

# ИЛК ВАҲИЙ АМРИ

Илк ваҳий «**Ўқи!**» деган амр бўлганининг буюк ҳикмати бор. Аллоҳ таоло илмни қиёматгача бандалар учун Аллоҳ маърифатига эришиш, ҳақиқатни топиш, икки дунё саодатини қўлга киритиш воситаси қилди. Илмсизлик (жаҳолат) эса инсониятни тубанликка, ҳалокатга олиб боришини билдирди. Инсонларни илм олишга ва илм орқали Парвардигорларини танишга буюрди. «Илм» сўзи Қуръони каримнинг саккиз юз ўн бир жойида турли маънолари билан келган. Қуръон ва Суннатда илм инсониятни турли ахлоқсизликлар, ҳаромлар, ёмон йўл ва амаллардан қайтариши зикр этилган.

**«Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража-мартабаларга кўтарур»** (*Мужодала, 11*); **«Айтинг (эй Муҳаммад): «Биладиган зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар бўлурми?»** (*Зумар, 9*); **«Аллоҳдан бандалари орасидаги олим-билимдонларгина кўркур»** (*Фотир, 28*); **«...Уларни фақат илм эгаларигина англай олурлар»** (*Анкабут, 43*).

Кўплаб ҳадислар ҳам илм, ўрганишга даъват билан йўғрилган: «Олимлар пайғамбарларнинг ворисларидир, олимга ердаги ва осмондаги барча нарсалар истиғфор айтади» (*Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа, Ибн Ҳиббон ривояти*); «Аллоҳ кимга яхшилиқни ирода қилса, уни динда фақиҳ (теран англовчи) қилиб қўяди ва унга тўғри йўл кўрсатади» (*Имом Бухорий ва Муслим*); «Олимнинг обиддан афзаллиги менинг саҳобийдан афзаллигим кабидир» (*Имом Термизий*); «Ким илм талаб қилиш йўлини тутса, Аллоҳ таоло уни жаннат йўлига йўллаб қўяди» (*Имом Муслим*); «Фаришталар илм толибига қанотларини ёйишади» (*Аҳмад, Ҳоким, Ибн Ҳиббон*).

Ҷамиятнинг салоҳияти, равнақи унинг илм-ғуносабати билан ўлчанади. Мусулмон-

лар ҳам Аллоҳнинг амр-фармонларига ва расулининг кўрсатмаларига амал қилиб, илму ирфонга интилган, маърифатга талпинган даврларида қўллари узун, тиллари ўткир, мартаба-мақомлари баланд бўлган. Аксинча, илм-фандан юз ўгириб, лоқайдлик ва танбаллик касалига чалинишганида – жаҳолатга юз буришганида қўлларида нусрат, салтанат, сарват кетган, ўзлари хўрланишган ва хорланишган.

Милодий IX–XII асрларда Фарбада аҳолининг тўқсон беш фоизи мутлақо саводсиз бўлгани, ҳатто диний ходимлар ҳам ўқишни, қўлларига қалам тутиб, ёзишни билмагани ҳолда мусулмон ўлкалардан ухровий ва дунёвий барча фанларнинг илғорлари етишиб чиққан. Ўрта асрларда Ислом етиб бормаган ўлкаларда саноқли бир неча олим бўлгани ҳолда мусулмон оламида илмнинг турли соҳаларида саксон олти минг йирик олим иш олиб борган. Мусулмонлар матбаачилиқда фарбликлардан юз йиллар орқада қолишганига қарамай, китобга муҳаббатда улардан устун бўлишган. Ўша пайтда Оврупа қироллик кутубхонасида атиги юз дона китоб бўлгани ҳолда Марв, Қоҳира, Бағдод, Тароблус кутубхоналари жавонларида бир-икки миллион нусхадан китоб сақланган.



(Давоми 6-бетда)

# ҚАЛБ ХОТИРЖАМЛИГИ

Ҳозир кўплар: мана шу ишни қилиб олсам, сўнг хотиржам яшайман, деб ўйлайди. Аммо у охиргиси деб ўйлаган иши яна анча кўшимча юмушларни етаклаб келади. Одам дунёнинг ҳамма жиҳозларига эришади, аммо ҳаётдан ором, таскин тополмайди — буни ҳамма нарсага эришган кишилар ҳам, турли эл-элатлар ҳам тан олишяпти.

Тинчлик-хотиржамликка, осойишталикка фақат Аллоҳ таолога ихлос билангина эришилади. Ҳар соатда, ҳар сонияда Унинг бирлигини, борлигини ўйлаб, ҳамиша ундан кўрқиб, ҳар бир ишда унга таваккул қилган қалбларгина хотиржамликка етишади.

Чинакам мўмин банда ўзига етадиган бало-мушкулотларга Аллоҳ учун сабр қилади. Аллоҳ берганига кўнади. Унинг учун бахтли, ширин кунлар билан мусибатли, маҳзун кунларнинг фарқи йўқ. Яхши кунларида ҳам Аллоҳга ҳамд айтади. Унинг амрларига содиқ қолади. Бошига мусибат-бало келса ҳам, ҳамд айтади, сабр кўрсатади. Сабрсизлар уни ёмонлаб, маломат тошларини отганида ҳам хотиржам турaveraди. Тухматчи-бўхтончи ё ношукрлардан қилиб қўймагани учун Парвардигорга ҳамдлар айтади. Одамлар уни мақтаб кўкларга кўтаришганида ҳам фахрланиб-кибрланиб кетмайди. “Булар мени ўринсиз мақташяпти”, деб хотиржам ўтираверади.

Бундай мўминнинг ҳаёти фақат хотиржамликда кечади. Шунинг учун жон таслим қилаётганида унга: “**Эй хотиржам нафс**” (*Фажр*, 27), деб нидо қилинади. Бунинг мукофотига у жаннат билан тақдирланади. Чунки жаннат хотиржамлик, осойишталик, ором ва таскин диёридир. Бу улкан мукофотга у Аллоҳ йўлида холис, яхши амаллар қилгани учун эришади. Энди у абадий ором ва хотиржамлик оғушида бўлади.

## «HIDOYAT»

Ойлик диний-маърифий,  
илмий-адабий нашр

### Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

### Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

### Таҳрир ҳайъати

Усмонхон АЛИМОВ  
Абдулазиз МАНСУР  
Абдураззоқ ЮНУС  
Ортиқбек ЮСУПОВ  
Нуридин ҲОШИМОВ  
Анвар ТУРСУН  
Неъматилла ИБРОҲИМОВ  
Аҳад ҲАСАНОВ  
Зоҳиджон ИСЛОМОВ  
Зоҳидилло МУНАВВАРОВ  
Баҳодир КАРИМОВ  
Эркин МАЛИК  
Муҳаммад Шариф ЖУМАН  
Юсуфжон ИСҲОҚ  
Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ  
Абдул Жалил ХУҲАМ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Аҳмад Муҳаммад ТУРСУН  
Муҳаммад Собит САЛОҲИДДИН

### Муқова

«Voris Design» маркази билан  
ҳамкорликда тайёрланди.

Бадий муҳаррир  
Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли

Матни  
Райҳона ХОЛБЕК қизи,  
Зебунисо ҲУСАЙН қизи  
терди.

### Тарғибот-ташвиқот марказлари:

Фарғона вилояти — 8.373.222-12-38  
Раҳбари Салоҳиддин Нуридин

### Манзилимиз:

700069 Тошкент шаҳри  
Зарқайнар 18-берк кўча 47а-уй;  
Тел: 240-45-62, тел.факс: 244-36-53.  
Интернет сайтимиз: [www.hidoyat.uz](http://www.hidoyat.uz)  
Интернет почтаимиз: [hidoyat\\_jurnali@mail.ru](mailto:hidoyat_jurnali@mail.ru)  
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0177.

Босишга 2008 йил 22 майда рухсат берилди.  
Босмаҳонага 2008 йил 27 майда топширилди.  
Қоғоз бичими 60x84<sup>1/8</sup>. Адади 25500 нусха. 101-сон буюртма. «KOH NUR» МЧЖда босилди.

Қўлёзмалар қайтарилмайди. Мақолалар хат орқали юборилганида исмлар тўлиқ, манзил аниқ ёзилсин.  
Мақолалар кўчириб босилса ёки иқтибос олинса,  
«Ҳидоят»дан олингани кўрсатилиши шарт.

## МУНДАРИЖА

<b>Амри маъруф</b>	
Жаъфар АБДУЛМЎМИН	
Илим ваҳий амри.....	1
<b>Таянч нуқта</b>	
Қалб хотиржамлиги.....	2
<b>Муслмон одоби</b>	
Абдуқодир ПАРДАЕВ	
Рухсат сўраш.....	9
<b>Тадқиқот</b>	
Можида МАХЛУФ	
Миср тарихида ўзбеклар.....	10
<b>Ёшлар йили</b>	
Анвар АБДУРАҲИМОВ	
Биз катталар... ..	12
<b>ЎМИ ҳаёти</b>	
Алишер ФАЙЗУЛЛОҲ	
Байрам ҳаёллари.....	13
<b>Аёллар саҳифаси</b>	
Абдумутал ЗОМИНИЙ	
«Отанга муносиб бўл...».....	14
Шаҳобиддин МУҲАММАДЖОН СОЛЕҲ	
Кечирим сўраш кимдан.....	14
<b>Насихат</b>	
Оиз ҚАРАНИЙ	
Ўқсинма.....	15
<b>Олисларга саёҳат</b>	
Аҳмад ТУРСУН	
Яман Республикаси.....	16
<b>Эл оралаб</b>	
Дуо сабаб йўлим хатарсиз.....	17
<b>Хотирлаш ва қадрлаш кuni</b>	
Алишер БЕК	
Суярхон тўра МАРФИЛОНИЙ.....	18
<b>Наҳий мункари</b>	
Абдувоҳид УРОЗОВ	
Мўминлик белгиси.....	19
<b>Хабарлар</b>	
Кубада илк исломий марказ.....	22
<b>Шеърят</b>	
Фозил ЗОҲИД	
Шукр.....	24
Тўра ХОЛМУРОД	
Ҳиммат бер.....	25
Эркин МАДОЛИМОВ	
Таниган.....	25
<b>Муносабат</b>	
Шиносий ГУНДУЗ	
Миссионерлик ҳаракатлари.....	26
<b>Болалар саҳифаси</b>	
Эркин МАЛИК	
Памилдори.....	28
Қайсар бола.....	29
<b>Мактубларда манзаралар</b>	
Неъмат ота	
Урушда қатнашганман.....	29
Моҳидил	
Ўтмишимни эслатади.....	29
<b>Бағрикенглик</b>	
Акбар БОБОБЕКОВ	
Олий хислат.....	30
<b>Футухот қомусидан</b>	
Аброр АБДУАЗИМОВ	
Исломий бағрикенглик манзалари.....	31
<b>ЎМИ ҳаёти</b>	
Қорилар мусобақаси.....	32

## Тафсир

## ЮСУФ СУРАСИ

Аллоҳ таоло Юсуфга сабр қилгани учун Миср ерида салтанат берди. Камолотга етгач, унга пайғамбарликни берди. Пайғамбарлик илмнинг мукамал даражасидир. Аллоҳ таоло яхши амал қилувчиларни шундай мукофотлайди. Яхшилик ақл софлигини оширади. Ёмонлик нафс оромини йўқотади, ҳолатларни яхши англай олмайдиган қилиб қўяди.

5

## Масала

## БИР САВОЛ СЎРАСАМ...

Кун ботганидан кейин касал кўргани бориш мумкин эмас, деган гап ҳеч қандай шаръий манбаларда йўқ. Аксинча, бундай ҳадис бор: «Ким кун ботганидан кейин касал кўргани борса, у билан бирга етмиш минг фаришта бирга боради ва тонг отгунига қадар унга истиғфोर айтишади...»



7

## Тобеинлар ҳаёти

Нўъмон АБДУЛМАЖИД

## УВАЙС ҚАРАНИЙ

Бир кuni Ҳарам ибн Ҳаййон сўради:  
— Қаерда истиқомат қилишимни тавсия этасиз?

8

— Шомда, — деди Увайс. Ҳарам сўради:  
— У ерда тирикчилик қалай?

Увайс айтди:

— Таваккулсиз қалбларга ўғит фойда бермайди.

## Ҳадис шарҳи

Ризоуддин ибн ФАХРИДДИН

КАТТА ГУНОҲЛАРНИНГ  
КАТТАРОҚЛАРИ

Ота-онанинг ҳурмати улуғ бўлишининг ҳикмати бола дунёга келишига сабаб бўлишлари жиҳатидан эмас, балки болаларнинг жисмини, руҳини ихлос билан тарбиялашлари, уларга хайрхоҳликлари ва жонларидан ҳам яхши кўришлари жиҳатидандир

23



## بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

وَجَاءَتْ سَيَّارَةٌ فَأَرْسَلُوا وَارِدَهُمْ فَأَدْلَى دَلْوَهُ قَالَ يَبِشْرَىٰ هَذَا غُلْمٌ وَأَسْرُوهُ بَضْعَةَ ۖ وَاللَّهُ عَلِيمٌ  
بِمَا يَعْمَلُونَ ﴿١١﴾ وَشَرَّوهُ بِثَمَنٍ بَخْسٍ دَرَاهِمَ مَعْدُودَةٍ وَكَانُوا فِيهِ مِنَ الزَّاهِدِينَ ﴿١٢﴾  
وَقَالَ الَّذِي اشْتَرَاهُ مِنْ مِصْرَ لِأُمْرَأَتِهِ أَكْرِمِي مَثْوَاهُ عَسَىٰ أَنْ يَنْفَعَنَا أَوْ نَتَّخِذَهُ وَلَدًا  
وَكَذَلِكَ مَكَّنَّا لِيُوسُفَ فِي الْأَرْضِ وَلِنُعَلِّمَهُ مِن تَأْوِيلِ الْأَحَادِيثِ ۗ وَاللَّهُ غَالِبٌ عَلَىٰ أَمْرِهِ  
وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴿١٣﴾ وَلَمَّا بَلَغَ أَشُدَّهُ آتَيْنَاهُ حُكْمًا وَعِلْمًا  
وَكَذَلِكَ نَجْزِي الْمُحْسِنِينَ ﴿١٤﴾

# ЮСУФ СУРАСИ\*

19. Бир гуруҳ йўловчи келди ва ўзла-рининг сув келтирувчисини юборди, у че-лагини туширди. “Хуш хабар! Бу (одам) кул”, деди. Уни сотишга яшириб қўйиш-ди. Аллоҳ таоло улар қилаётган ишлар-ни билгувчидир. 20. Уни арзон баҳога – санокли дирҳамларга сотишди. Уни хуш кўришмаган эди. 21. Уни сотиб олган мисрлик (киши) хотинига деди: “Яхши

қарагин. Шояд бизга нафи тегар ёки уни бола қилиб олармиз”. Ва шу каби Юсуф-га, туш таъбирини билдирганимиз учун, Миср ерида салтанат бердик. Аллоҳ тао-ло истаганига қодирдир, лекин буни кўп одамлар билмайди. 22. У камолотга ет-ганида унга ҳикмат ва илм бердик. Ях-шилиқ қилувчиларни ана шундай муко-фотлаймиз.

## Тафсири ва баёни

Юсуф (алайҳиссалом) қудуқда турганла-рининг тўртинчи куни Мадинадан Мисрга ке-таётган бир гуруҳ йўловчи қудуқ ёнидан ўтиб қолади. Яхузо у кунгача Юсуфга (алайҳис-салом) овқат олиб келиб турган эди.

Муҳаммад ибн Исҳоқ келтиришича, Юсуф-нинг (алайҳиссалом) ака-укалари уни қудуққа ташлаб юборишганидан кейин қудуқ яқинида ўтиришган. Аллоҳ таоло бир гуруҳ йўловчини у қудуқ томон йўллади. Улар ич-ларидан битталарини сув олиб келишга юбо-ришди. Сув келтирувчи қудуқ олдига келиб челагини туширди. Юсуф (алайҳиссалом) челакни маҳкам ушлаб олдилар ва қудуқдан чиқдилар.

Сув келтирувчи шерикларига: “Хуш хабар! Бу (одам) кул! Бу кул қандай ёқимтой, чирой-ли ва келишган экан! Қувонинглар, у хари-доргир кул!” деди. Улар Юсуфни (алайҳисса-лом) мисрликларга сотиш учун одамлардан яшириб қўйишди. Аллоҳ таоло ҳамма нарсани билгувчидир. Ҳеч кимнинг қилмишини, жумла-дан, Юсуфнинг (алайҳиссалом) ака-укалари-нинг ҳам, уни сотганларнинг ҳам қилмишлар-ини Аллоҳ таоло билмай қолмайди. Аллоҳ таоло юз берган ишни ўзгартиришга ҳам, уни дафъ қилишга ҳам қодир. Ҳар бир иш Аллоҳ таолонинг ҳикмати ва иродаси билан бўлади.

“Билинглари: барча махлуқот ва рад этилмайдиган фармойиш Униқидир. Оламларнинг яратувчиси Аллоҳ таоло-нинг марҳамати улғудир” (Аъроф, 54).

\*Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.



Ибн Аббос (розийаллоху анху) ривоятига кўра, Юсуфнинг (алайҳиссалом) ака-укалари уни қудуқдан чиққанидан кейин сотиш учун яшириб қўйишган ва сотишган. Сотиб олганлар йўловчилардир. Бошқа бир ривоятда эса, уни йўловчилар сотишган, мисрлик киши сотиб олган, дейилади.

Бу воқеада Расулуллоҳнинг (алайҳиссалом) мушриклардан кўраётган озорларига қарши тасалли ва юпанч бор. Аллоҳ таоло улар етказаетган жабру ситамлардан хабардорлигини ва у озорларни ўзгартиришга қодир эканини билдирди. Бу воқеада Юсуф (алайҳиссалом) ака-укаларининг ҳийла ва озорларига сабр қилганидек сабр қилинг, Юсуфни (алайҳиссалом) ака-укаларидан халос қилганим ва шоҳ этганим каби сизни ҳам улардан халос қиламан, деган башорат бор.

Юсуфни (алайҳиссалом) ака-укалари (ё йўловчилар) Мисрда арзонга, у каби куллар баҳосидан кам баҳога, санокли дирҳамларга сотиб юборишди. Ибн Касир айтишича, уни ака-укалари сотиб юборишди деган фикр асослидир. Баъзи муфассирлар оятдаги “баҳс” сўзи “зулм” ё “ҳаром” деган маънода келган, чунки ҳур инсон сотилган, деб тафсири қилишади. Ибн Касир эса, бу сўз “арзон” маъносида экани тўғридир, дейди. Чунки ҳаром нималигини ва унинг пули барча ҳолда ҳар бир кишига ҳаромлигини ҳамма билади. Ахир, Юсуф ўзи пайғамбар, оталари Яқуб пайғамбар, боболари Исҳоқ пайғамбар, катта боболари Иброҳим ҳам пайғамбардир (ҳаммаларига Аллоҳдан тинчлик бўлсин).

Улар Юсуфни (алайҳиссалом) хуш кўришмаган, нархига қизиқишмаган эди. Унинг Аллоҳ таоло наздидаги мақомини билмай, ҳар қандай ҳолда ундан қутулишни исташган эди. Уни мисрлик бир зодагон – миршаблар бошлиғи сотиб олди.

У кейинчалик Юсуфнинг (алайҳиссалом) пайғамбарлигига имон келтирган ва Юсуфдан олдин оламдан ўтган.

Унинг исми сурада ёд этилмаган. Аёллар уни Миср хазиналарининг бошқарувчиси деб атаганлари эслаб ўтилади. Тарих китобларида миршаблар бошлиғи ва молия вазири бўлгани, исми Қатфийр (ёки Атфийр) ибн Руҳайб экани айтилган. У Юсуфда (алайҳиссалом) яхшилик ва диёнат борлигини пайқагач, унга ғамхўрлик кўрсатди, уни ҳурматлади, аёлидан ҳам шуни талаб қилди. Хотини Зулайҳо (ёки Роил) бинти Руобияга (Қуръон ва ҳадисларда унинг оти келмаган бўлса-да, кўп

адабиётларда “Зулайҳо” оти билан машҳурдир): “Унга яхши қара, ўзимизнинг ишларимизда ва молимиздан фойда кўришда ёки умумий манфаатимизда ёрдами тегади деган умидим бор. Ёхуд уни кўзимиз қувончи – фарзанд қилиб оламиз”, деди. Чунки у бепушт эди.

Аллоҳ таоло Юсуфга ака-укаларидан кўрган ситамларга сабр қилгани учун Миср ерида салтанат берди. Бу унга ато этилган қурб эди. Камолотга етгач, унга пайғамбарликни берди. Пайғамбарлик илмининг мукамал даражасидир.

Аллоҳ таоло яхши амал қилувчиларни шундай мукофотлайди. Яхшилик ақл софлигини оширади. Ёмонлик нафс оромини йўқотади, ҳолатларни яхши англай олмайдиган қилиб қўяди.

Юсуф (алайҳиссалом) яхши амал қилувчи, Аллоҳ таолога итоат этувчи эди. Унга берилган салтанат ва мартаба – илм, ҳикмат ва нубувват яхши амаллар қилгани, умри баҳоридан бошлаб тўғри йўлда бўлгани учун мукофот эди.

Аллоҳ таоло Юсуфга (алайҳиссалом) уни моддий қўллаб-қувватловчи кишини етказганидан сўнг, унга маънавий неъматларини ҳам ато этди: у қудуқдан омон чиқди; ака-укалари ситамидан қутулди; қулай ва яхши жойга эга бўлди; мисрлик зодагон қалбидан жой олди. Унинг уйида бўлган воқеа туфайли зиндонбанд бўлди. Зиндонда подшоҳнинг шарбатчиси билан танишуви, сўнг подшоҳнинг ўзи билан учрашуви сабабли Миср ерида юксак мартабага эришди.

Баркамоллик икки ҳол билан: қурб (қувват) ва илм билан бўлади. Аллоҳ таоло Юсуфга (алайҳиссалом) уларнинг иккисини ҳам берди.

Аллоҳ таоло истаганига қодирдир. Уни бирор нарса ожиз қилолмайди, истаганидан қайтаролмайди, хоҳлаганига қарши чиқолмайди. Аллоҳ таоло истаган нарса бўлади. Саид ибн Жубайр айтади: “Кўп одамлар Аллоҳ таолонинг ҳикматини, марҳаматини ва истаганини қилишини билишмайди, ҳолатларнинг зоҳирий томонларини ушлаб олишади. Юсуфнинг (алайҳиссалом) акалари ҳам ана шундай эдилар. Улар: “Агар Юсуфни узоқлаштирадиз, отамиз ёлғиз бизга бўлади, сўнг яна солиҳ кишилар бўламиз”, деб ўйлашган эди.

**Муҳаммад ШАРИФ ЖУМАН,**  
**Анвар АҲМАД**  
*тайёрлашди.*

*(Давоми келгуси сонда)*

# ИЛК ВАҲИЙ АМРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Хукмдорлар, амирлар, юртнинг давлатманд кишилари илм-фанга ҳомийлик қилишда, вақфлар тутишда, илм толибларига ёрдам кўрсатишда, кутубхоналар ташкил этишда кимўзарга мусобақалашишган.

Ҳатто ғайримуслим олимлар ҳам Фарб Ислом ҳазорасидан сув ичганини, Андалусиядан тарқалган илм Оврупани юксак тараққиёт чўққисига олиб чиққанини ҳозиргача ёзиб келишади. Эркенсал бундай деган: «Замонавий илмларнинг тамал тошини қўйишдек шарафли вазифа мусулмонларга тегишлидир». Аллен Дебус эса: «Мусулмонлар Уйғониш даврига дебоча бўлган технологик ўсишлар эшигини очиб беришди», деб ёзади.

Афсуски, кейинчалик бу улкан имкониятлар бой берилди. Илм-маърифат билан қизиқилмайдиган ҳолга келинди. Нафслар, шахватлар, орзу-ҳаваслар илм устидан ғолиб чиқди.

Жоҳиллик сабабли ухровий ва дунёвий илмлар ўртасига ўтиб бўлмас девор тикланди. Улар бир-бирига зид қўйилди. Дин олими замона илмига эътибор бермади. Дунё олими, аксинча, моддапарастликни «чин илм» деб байроқ қилди.

Очиқ кўзли, теран фикрли бир-икки мутафаккирнинг бу борадаги ноласи жоҳил оломоннинг «урҳо»си ичра кўмилиб, эшитилмай кетди: «Ҳақиқат» журнали 1922 йилги 1-сонида: «Сўнгги асрларда маърифатсизлик, жоҳиллик сабаби илмсиз, маърифатсиз хонлар элнинг чироғи-йўлбошчиси бўлган уламоларни ўз бўйинтуруғлари остига олиб, соф йўлни ўз шайтанат йўлларига татбиқ этишганидир», деб ёзган эди.

«Ўзларини дин ҳомийлари деб эълон қилган хукмдорлар халқни маърифат нуридан маҳрум, замонавий фанний илмлардан бутунлай йироқ тутдилар. Шунинг учун халқда уйғониш, фикрий очилиш бўлмади. Давлатнинг инқирози, миллатнинг онгсизлигига шу жоҳиллар сабабчидур», дейди Алихонтўра Соғуний.

«Мусулмонлар замонни ўзларига мослаштиришни кутиб ўтирмай, ўзлари ўша замоннинг фойдали илмларига мослашсалар, яхши

бўлмасмикин?» деб фикр юритди Исҳоқхон Ибрат.

«Биз туркийлар ўз тарихи тонгидаёқ ёзувига эга бўлган, кейин ҳам уни илм ва тафаккурдаги улкан муваффақиятлар билан бегаган қабила сифатида яшаб келдик ва шундай яшажаякмиз», дея умид билдиради яна бир мутафаккир Исмоил Фаспирали.

Айни пайтда ҳам кўпгина мусулмонлар дунёвий илм билан дўстлаша олмай юришибди. Замонавий илмларни ўрганишни гуноҳ санайдиган кимсалар ҳозир ҳам бор.

«Аллоҳ илм билан қавмларни юксалтириб, етакчи қилиб қўяди», деган эдилар Муоз ибн Жабал (разийаллоху анху). «Илм кўр қалб кўзини очувчи, қоронғу зулматда нур бағишловчидир, заиф баданларга куч-қувватдир, илм билан банд яхши кишилар даражасига кўтарилади, олий мартабаларга етишади», дейди Абу Ҳомид Фаззолий (рахматуллоҳи алайҳ). «Ислом динининг жаҳолатдан кўра каттароқ ва кўрқинчлироқ душмани йўқдир», дея бонг уради Муҳаммад Нуруллоҳ Сайдо Жазарий. Фатҳ Мусалий айтади: «Касалга сув билан таом берилмаса, ўлгани каби, қалбга ҳам уч кун илм берилмаса, ўлади».

Бугун илм олишга ҳеч қандай тўсиқ йўқ, аксинча, чорлов бор, имконият бор. Ўнлаб олий ўқув юрти, коллеж ва лицей очиб қўйилган. Динимизни ўргатадиган олий ва ўртамахсус ўқув юртлари ишлаб турибди. Китобдарсликлар пайдар-пай чоп этиляпти. Булар устига жаҳондаги жами илмларни жамлаган бепоён интернет тизимига кириш имконияти пайдо бўлди кейинги йилларда.

Биздан рағбат, ихлос ва ғайрат-ҳаракат кифоя. Қанчалаб вақтимизни беҳуда амалларга, кераксиз ўтиришларга, зиёфатбозликларга сарфлашдан кўра жиндай илм олишга, ҳеч бўлмаса, дунё ютоқиб воқиф бўлаётган хабар-маълумотлар билан танишиб қўйишга вақт-имкон ажратганимизда эди!..

Ўтмишда дастурхон устида хонадон улуғининг эрталаб ва кечқурунлари илмий-ахлоқий мавзуларда ихчамгина маърифий суҳбат уюштиргани, тожир, ҳунарманд ва зироатчилар узоқ қиш оқшомларида бир устоз этагини тутиб, илм мажлислари қилишгани, толиблар илм талабида ҳатто қўшни юртлардаги устозларникига қатнагани каби ҳолатлар бугун бизга худди эртақдаги гаплардай туюлади.

**Жаъфар АБДУЛМЎМИН**



# БИР САВОЛ СЎРАСАМ...

*Саволларга Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси,  
муфтий Усмонхон Алимов жавоб беради*



**Савол:** Хатми Қуръон қилишдан олдин нималарга эътибор бериш керак? Қай тартибда хатм қилмоқ жоиз? Хатм қилишнинг вақти чегараланганми? (Самарқанд, «Ҳожии Сафои Вали» жомеъ масжиди).

**Жавоб:** Хатми Қуръон қилишдан аввал Қуръонни тажвид билан тўғри ўқилишига эътибор бериш керак. Бировга хатм қилдирганида ҳам унинг Қуръонни хатосиз ўқишини билиб олиш зарур.

Кейин Қуръон тиловати мутлақо холис бўлсин. Пул тамасида ва бошқа дунёвий истак билан тиловат қилинса, тиловатга савоб берилмайди. Мазҳабимизнинг муҳаққиқ алломаларидан Ибн Ҳумом, Ибн Обидийн, Имом Баркавийлар бунини исботлаб, ёзиб қолдиришган.

Қуръонни хатм қилиш уч кун ёки ундан зиёда кунларда амалга оширилади. Уч кундан тезроқ хатм қилиш яхши эмас. Чунки Жаноби Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Кимки Қуръонни уч кундан кам муддатда ўқиса, ҳеч нарса тушунмайди”, деганлар.

Қуръон хатмини тўла тугатиб, яна «Фотиҳа»дан бошлаб ўқиб, сўнг унга баъзи оятларни қўшиб тамомлаш ҳам мустаҳабдир. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Одамларнинг яхшиси Қуръонни тугатаётиб, уни қайта бошлаганидир”, деганлар (“Мафотиҳул жинон”).

Хатми Қуръон вақтида аҳлини ёки одамларни чақириб, ҳам-

малари бирга дуо қилишларини уламоларимиз мустаҳаб дейишган (“*Фатовоийи Қозихон*”). Анас ибн Моликдан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинган ҳадисда Қуръон хатмидан сўнг қилинган дуолар ижобат бўлиши айтилади.

**Савол:** Фолбинлар билан жинлар ўзаро алоқада бўлишадими, деган гапларни эшитиб қоламиз. Ҳақиқатан ҳам фолбинлар билан жинлар бир-бирлари билан алоқада бўлиб турадиларми? (Сурхондарё, “Абдурахмон Жомий” жомеъ масжиди).

**Жавоб:** Фолбинларнинг жинлар билан алоқаси борлигини Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бизга очиқ-ойдин айтиб берганлар: “Фолбинларнинг баъзида ҳақ гапни айтиб қолишларининг сабаби шуки, жин бу гапларни ўғринча олиб, фолбин дўстининг қулоғига қуяди. Фолбинлар эса унга юзта ёлғонни аралаштириб юборадилар” (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Бошқа ўринда Онҳазрат (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: “Фаришталар булутга тушадилар ва осмонда ҳукм қилинган ишни зикр қиладилар. Шайтон ўғринча қулоқ тутиб, эшитиб олади-да, уни фолбинларга етказди. Улар эса унга ўзларидан юзта ёлғон қўшиб, ёлғон гапирадилар” (Имом Бухорий ривояти).

Демак, фолбинларнинг жинлар билан алоқалари бор нарса: улар нарсаларни билиб-билмай,

қўшиб-чатиб фолбинларга етказиб турадилар. Жинлар ўт-оловдан яратилган бўлиб, ҳар-хил шаклга кира олиш хусусиятига эга. Улар тирқишлардан ўта оладилар. Шунинг учун айримлари йўқолган нарсаларни излаб топиб, фолбинларга хабарини етказишлари ҳам мумкин. Фолбинлар улар айтган гапларга биноан сўзлашади. Жинлар билан бу тариқа алоқа боғлаш шаръан ҳаромдир.

**Савол:** Яқинда касал кўргани шом намозидан кейин борган эдим, лекин мени касал олдига қўйишмади. Сабаби шомдан сўнг касал кўриб бўлмас эмиш. Шу тўғрими? (Тошкент, «Тинчлик» жомеъ масжиди).

**Жавоб:** Кун ботганидан кейин касал кўргани бориш мумкин эмас, деган гап ҳеч қандай шаръий манбаларда йўқ. Аксинча, бундай ҳадис бор: «Ким кун ботганидан кейин касал кўргани борса, у билан бирга етмиш минг фаришта бирга боради ва тонг отгунига қадар унга истиғфор айтишади. Шунингдек, у жаннатда хурмо мевалари билан мукофотланади. Ким, эрталаб касал кўргани борса, у билан ҳам етмиш минг фаришта бирга боради ва тонг отгунига қадар унга истиғфор айтишади ҳамда жаннатда хурмо мевалари билан мукофотланади» (Ҳазрати Алидан Абу Довуд ривоят қилган).

“Сўраган эдингиз...” силсиласининг 1-, 3-, 4-китобларидан олинди.



# УВАЙС ҚАРАНИЙ

Ислом оламида Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ғойибона ошиқ бўлганларнинг сардори сифатида машҳур бу зот «Абу Амр» куняси билан танилган. Ривоятларга кўра, унинг отаси Омир яманлик бўлиб, Мурод қабиласининг қарн уругига мансуб эди<sup>1</sup>. Ҳазрати Увайс “муҳазрамлар” дан эди. Ҳадис истилоҳига кўра, “муҳазрам” жоҳилия даврини кўрган, Пайғамбаримизнинг ҳаётлик даврларига етишгани ҳолда, у зот билан кўриша олмай, ғойибона имон келтирган кишидир<sup>2</sup>.

Саҳобаи киромнинг кўплари билан кўришган Ҳазрати Увайс тобеинларнинг улуғларидан<sup>3</sup>. Чунончи Ҳазрати Умар ибн Хаттобдан ривоят қилинишича, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ора-сира Яман тарафга юзларини буриб, бундай дер эдилар: “Яман томондан раҳмат шабадалари эсмоқда. Эҳсон ва эзуликда тобеинларнинг энг яхшиси Увайс Қаранийдир”.

Орадан йиллар ўтди. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) ҳаётлари сўнггида муборак ҳиққаларини ечиб, Ҳазрати Умар билан Ҳазрати Алига бердилар ва: “Буни Увайс Қаранийга беринглр!” дедилар.

Бу воқеа ҳақида “Ҳилийатул авлиё” китобида узун бир нақл келтирилган. Унда айтилишича, Ҳазрати Увайс Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вафотларидан кейин ҳаж қилиш учун Маккага келади. Ҳазрати Умар ҳам Увайс билан кўришишни орзу қилиб юрарди. Чунки Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) Увайс ҳақида илгари хабар берган эдилар. Яманликлар ҳаж қилиш учун келишганида Ҳазрати Умар Абу Кубайс тепалигига чиқади ва баланд овоз билан Яман ҳожиларига мурожаат қилиб, ораларида Увайс исмли киши бор-йўқлигини сўради. Яманликлардан узун соқолли кекса киши ўрнидан ту-

риб: “Эй Умар, сиз айтётган Увайсни танимайман. Аммо ҳеч ким билан гаплашмайдиган, бозорларда юрмайдиган амакимнинг ўғли Увайс бор орамизда. У туяларимизга қўриқчилик қилиб ўтиради. Кечки пайтлари унга овқатини олиб бориб берамиз”, деди. Ҳазрати Умар дарҳол: “Ўша одамни менга кўрсатинг!” дея ёнларига Ҳазрати Алини олиб, Увайс турган жойга қараб кетди.

Улар Увайснинг бир дарахт соясида намоз ўқиётганини кўриб, тугатишини кутиб туришди. Намозини битирган Увайсга салом беришди. Увайс алик олгач, ундан: “Кимсиз?” деб сўрашди. Увайс: “Ҳақ олиб ишлайдиган чўпонман”, деб жавоб берди. Ундан исмини сўрашганида эса “Абдуллоҳ” эканини айтди. Бироқ Ҳазрати Умар эътироз билдириб: “Ҳаммамиз Абдуллоҳ (Аллоҳнинг бандаси)миз. Онангиз қўйган исми айтинг”, деганларида: “Увайсман”, дея жавоб берди.

Сўнгра икки буюк саҳобий Ҳазрати Увайс билан бир оз суҳбатлашиб, муборак омонатни — ҳиққал шарифни унга топширишади ва ҳақларига дуо қилишини сўрашади. Увайс ҳам уларнинг Ҳазрати Умар билан Ҳазрати Али эканини билиб, жуда севинади ва ҳақларига дуо қилади<sup>5</sup>.

(Кейинроқ бу ҳиққа қўлдан-қўлга ўтиб, Усмонли султонлари томонидан Туркияга олиб кетилади. Ҳозир у Туркияда сақланмоқда).

Ҳазрати Умар кўрсатган эҳтиром туфайли Увайс Қаранда овоза бўлиб кетади. Шунинг учун ортиқ бу ерда тура олмай, Куфага кетади. Имом Муслим бундай ривоят қилади:

“Куфаликлар Ҳазрати Умарнинг ҳузурларига келишди. Ораларида Увайсни эрмак қиладиган бир одам бор эди. Ҳазрати Умар келганларга Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сизга Ямандан Увайс деган бир одам келади. Яманда онасидан бошқа ҳеч кими йўқ. Унинг танасида оқлик бўлади. Дуо қилгач, Аллоҳ ундан оқликни кетказди. Фақат бир динор ёки бир дирҳамчалик жойи қолади. Сизлардан ким унга йўлиқса, сизлар учун истиғфор айт(ишини сўра)син”, мазмунли ҳадиси шарифларини айтиб бердилар ва уларга Увайснинг ҳурматини жойига қўйишни тайинладилар.

Куфаликлар юртларига қайтишгач, Увайсни эрмак қилувчи одам оdatига хилоф равишда уйига кирмай, тўғри Увайснинг олдида борди ва ундан дуо қилишини сўради. Увайс бошқа эрмак қилмаслик ва Ҳазрати Умардан эшитганларини бировга айтмаслик шарти билан уни дуо қилди.

Увайс Қараний Аллоҳ таолога таваккули билан машҳур эди.

Ҳарам ибн Ҳаййон Увайс Қаранийга шогирд тушган ва ундан бир неча насихат олиш билан кифояланган ошиқлардан эди.

Бир кун Ҳарам ибн Ҳаййон Увайс Қаранийдан сўради:

— Қаерда истиқомат қилишимни тавсия эта-сиз?

— Шомда, — деди Увайс.



# РУХСАТ СЎРАШ

Ҳарам сўради:  
— У ерда тирикчилик қалай?

Увайс айтди:

— Таваккулсиз қалбларга ўғит фойда бермайди.

Имом Шаъроний “Табақот”ида Увайснинг шамойилини бундай таърифлайди: “Увайс ўрта бўйли, елкалари кенг, кўзлари катта-катта, юзи бугдойранг, сочи қизғиш эди. Жағи доим кўксига ёпишиб турар, кўзлари фақат ерга боқар эди”.

Пайгамбаримизни (алайхиссалом) кўрмай туриб, у зотдан Ҳазрати Увайс файз олганлари учун устозни кўрмай ундан файз олиш “увайсийлик” дейилади.

Ҳазрати Увайс одамлар билан кўп мулоқотда бўлишни хуш кўрмаганидан унча кўп ҳадис ривоят қилмаган. Фақат Ҳазрати Умар ва Ҳазрати Алидан қилган ривоятларини Абдурахмон ибн Абу Лайло ва Башир ибн Амр китобларида келтиришган.

Ҳазрати Увайснинг вафоти ҳақида келган ривоятларнинг барчасида унинг ҳижрий 37 йили Сиффин жангида шаҳид бўлгани айтилади.

Аллоҳ таоло Ҳазрати Увайсга бергани каби бизнинг қалбимизга ҳам Расулulloҳга холис муҳаббатни жо қилсин, қиёматда шафотларидан насибадор айласин...

**Нўъмон АБДУЛМАЖИД**  
*тайёрлади.*

<sup>1</sup> Ибн Ҳажар Асқалоний. “Ал-Исоба фи тамйизис саҳоба”, 1/115.

<sup>2</sup> “Тажриди сарих” таржимаси, Аҳмад Наим, 1/35.

<sup>3</sup> Ибн Асир. “Усудал ғоба фи маърифатис саҳоба”, 1/179.

<sup>4</sup> “Ал-Исоба...” 1/115.

<sup>5</sup> Рағиб Исфажоний. “Ҳилйатул авлиё”, 2/82.

Ўзганинг мулкига тажовуз қилиш мумкин бўлмаганидек бошқаларга тегишли уй-жойларга ҳам эгаларининг рухсатсиз кириш мумкин эмас.

Бу ҳақда Қуръони каримда бундай дейилган: **“Эй мўминлар, ўз уйларингиздан бошқа уйларга то изн сўрамаганингизгача ва эгаларига салом бемаганингизгача кирмангиз. Мана шу сизлар учун яхшироқдир. Шояд эслатма ибрат олсангизлар”** (Нур, 27).

Киришга рухсат сўраш фақат “кирсам майлими”, “киришга рухсат берасизми”, сўзлари билангина эмас, балки тасбех, такбир айтиш, томоқ кириш, эшикни таққиллатиш ёки кўнги-роқини чалиш каби рухсат сўраш маъносидаги барча сўз ва ишоралар билан бўлиши мумкин. Абу Айюбдан ривоят қилинади: “Эй Аллоҳнинг Расули, **“то изн сўрамаганингизгача ва эгаларига салом бемаганингизгача”** ояти ҳақида нима дейсиз. Салом беришники биламиз, рухсат сўраш қандай бўлади, дедим.

У зот: “Уй аҳли рухсати учун эшикка келган киши тасбех, такбир, тамҳид айтади, томоғини қиради”, дедилар (*Табароний ривояти*).

Кириш учун бир бор рухсат сўраш вожибдир. Уч марта рухсат сўраш суннат бўлади. Уч марта рухсат сўралганида ҳам уй эгаси киришга рухсат бермаса, қайтиб кетилади. Аммо хонадон аҳли эшитмаётган бўлса, уч мартадан ортиқ рухсат сўраш мумкин. Уйда ҳеч ким бўлмаса ёки киришга рухсат берилмаса, қайтиб кетиш лозим. **“Энди агар у (уй)ларда ҳеч кимни топмасангизлар, у ҳолда то сизларга изн берилмагунча уларга кирмангиз! Агар сизларга “қайтинглар” дейилса, (яъни киришга изн берилмаса) қайтиб кетинглар”** (Нур, 28).

Имом Замахшарий айтади: “Эшикка келган киши уйга бос-

тириб киришдан қайтарилгандир. Зеро, бостириб кириш нафрат уйғотади. Эшикни кўполлик билан қоқиш, уй эгасини бақриб чақириш каби нафратга сабаб бўладиган одатларидан сақланиш лозим”.

Эшикка келган киши ичкарига кўзи тушадиган ҳолда турмаслиги, ўнг ёки чап томонда туриб, рухсат сўраши керак.

Саъд ибн Убода айтади: «Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уйларида бўлганларида эшиклари олдига келдим. Ичкарига қараб, киришга рухсат сўраган эдим, “Четда тур” деб ишора қилдилар ва “Аввал (ичкарига қарамай) рухсат сўралади!” дедилар». Уй эгаси фақат хотинининг хонасига рухсатсиз кириши мумкин. Бошқаларнинг хонасига рухсат сўраб қиради.

Эшикка келган кишидан ўзини танитишини сўралса, исмини, агар лақаби билан машхур бўлса, лақабини ҳам айтиши керак.

Бир киши: “Онамдан ҳам хоналарига киришга рухсат сўрайманми?” деди. У зот (алайхиссалом): “Ҳа” дедилар. “Онамнинг мендан бошқа қарайдигани йўқ, унинг ёнига ҳар кирганимда рухсат сўрайманми?” деди у киши. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Онангни яланғоч ҳолда кўришни хоҳлайсанми?” дедилар. “Йўқ”, деди у. “Шунинг учун киришга рухсат сўра”, дедилар у зот.

Оммага мўлжалланган жойларга кириш учун рухсат сўралмайди. Табиий офат, ёнғин, хавф-хатар пайдо бўлган чоғида хонадон аҳлидан рухсат сўралмайди. Уларни қутқариш чоралари кўрилади.

*“Равоиъул баён” ва “Манҳалул ҳадис” китоблари асосида*  
**Абдуқодир ПАРДАЕВ**  
*тайёрлади.*

Можида МАХЛУФ,

Айн Шамс университети Шарқ тиллари кафедраси мудири (Миср)

# МИСР ТАРИХИДА ЎЗБЕКЛАР

Ўзбекларнинг Мисрда тутган ўрни, уларнинг подшоҳлик билан боғлиқликларини теран англаш ҳар икки мамлакат ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбеклар Мисрда волийлик, ҳокимлик қилишди, нуфузли маҳкамаларда раҳбар, амир, кўшинга қўмондон бўлишди. Узоқ давр ичида Мисрнинг сиёсий-идоравий, ижтимоий-маданий ҳаётида алоҳида ўрин эгаллашди.

Аббосийлар халифалиги даврида асли бухорлик Аҳмад ибн Тулун оиласи Мисрда мустақил давлат барпо этиб, 868 (254 ҳижрий) йили Тулуния давлатига асос солди. Бу оила Мисрда ўттиз саккиз йил ҳукмронлик қилди. Бу йиллар Миср тарихида ёрқин из қолдирган давр ҳисобланади.

Ибн Тулун ўттиз сиёсатчи, моҳир раҳбар, ҳарбий соҳада ҳам билагон мутахассис эди. У бошқарган йиллар Мисрда тинчлик ва осойишталик барқарор бўлди, одамлар хотиржам ва тўқ ҳаёт кечиришди. У деҳқончилик соҳасига алоҳида эътибор қаратди, янги йўллар қурдирди. Шаҳар атрофи девор билан ўралди, хусусан, “Акал ҳасийна” қалъаси қурилди.

Тарихчилар уни “халқига адолатли, саховатпеша, шариатга тўла амал қилувчи подшоҳ, олимлар ва донишмандларни севадиган, эзгулик қилишни ҳуш кўрадиган, одамлардан ёрдам, яхшилик ва садақаю эҳсонини аямайдиган инсон, доимо илм, ҳадис излаш билан машғул бўлган, Мисрдан Фуротгача, бу ёғи Марокаш юртларигача ҳукмронлик қилиб, адолат ўрнатган, ҳатто Боғдод халифалигига номзоди қўйилган дилбар шахс эди”, дея таърифлашади.

Ўғли Хуморвия ҳам Миср ҳудудига турли низо ва фитналарнинг олдини олишда, осойишталик ва фаровонликни таъминлашда катта хизматлар қилган.

Аҳмад ибн Тулун ва ўғли Хуморвия даври Миср тарихидаги олтин давр ҳисобланади, чунки шу даврда юрт маданий юксалди, иқтисодий ўсди. Ҳатто унинг ташқи савдо айланмаси 4,3 миллион динорни ташкил этди.

Шунингдек, тулунийлар Ислом оламини византияликлар хатаридан сақлашда алоҳида хизматлар қилишди. Византия аббосийлар халифалиги пойтахти ва Шом шаҳарларига қарши жангга отланганида тулунийлар уларга қарши курашиб, халифалик давлати чегараларини мустаҳкамлашди. Миср ва Шомда туриб, Румга қарши ҳимоя байроғини баланд кўтаришди ва Румни даҳшатга солган йирик кучга айланишди.

Аҳмад ибн Тулун Тарсусда византияликлар устидан ғалаба қозонди, улардан мусулмон асирларни қайтариб беришни талаб қилди. Тарсусдан Фурот дарёсигача бўлган ерлар унинг қўл остига ўтди. Ушбу зафарлар туфайли ибн Тулун Миср, Шом ва Арабистон ярим оролида ҳукм юритди.

Тулунийлардан сўнг Мисрда “ихшидий” номи билан машҳур, асли фарғоналик Муҳаммад ибн Тоғоч ибн Жаф ихшидлар давлатига асос солди. У Мисрда ўттиз беш йил (мил. 945-969, ҳиж. 323-358) ҳукмронлик қилди. Муҳаммад ибн Тоғоч одил, ботир, узоқни кўра оладиган, теран мушоадала, тадбиркор подшоҳ эди. У жанг илмини яхши билар, кўшинни иззат-икром қилар эди.

Тулунийлар билан ихшидийлар бир-бирлари билан куда-анда бўлиб кетишган, Қутруннадий Хуморвий Фарғонийнинг қизига уйлانган, бу никоҳ шоду хуррамлик ва гўзаллик тимсоли бўлиб, бу ҳақдаги асарлар ҳозир Миср адабий меросининг бир қисмига айланган.

Ўзбеклар икки денгиз (Қора ва Ўрта ер денгизи) бўйида жойлашган подшоҳликлар султонларининг доимий эътиборида бўлишган. Аслида аксарият султонларнинг келиб чиқиши қипчоқ (ўзбек) диёридан эди. Масалан, Миср султони Зоҳир Бейбарс ўзбеклар билан иттифоқ тузишга интиларди. 1261–1263 йиллари Барака Хон билан ўзаро борди-келди ва совға-салом юборишни йўлга қўйган эди. Султон Бейбарс ўша йиллари унинг қизига уйланди. Қоҳира, Кудус, Макка ва Мадина минбарларидан уни дуо қилишарди. Бу иттифоқ, шубҳасиз, икковларининг ҳам душманлари бўлган, Форс ва Ироқда зуғум ўтказётган мўғул босқинчилари давлатига қарши курашга йўл очди.

Султон Бейбарс бу иттифоқчиликдан қўшинларини кучайтириб олишда фойдаланди. Бу ҳамкорлик Мисрни ўзбеклар билан янада яқинлаштиришга, бир-бирига ҳимоячи бўлишга олиб келди. Шунинг учун Миср қўшинининг қўмондони ҳам, ерларининг амири ҳам ўзбеклар бўлди.

Улкада Ислом динини ҳимоя қилишда ўзбекларнинг ўрни ниҳоятда катта. Кўришиб турибдики, бир томондан ҳижрий VII асрда қипчоқ давлатида Ўзбекхоннинг Исломни қабул қилиши муносабати билан Ислом юртлари кенгайган бўлса, иккинчи томондан шу минтақа халқлари билан ўзаро ҳамкорлик натижасида Миср ва Шомдаги Ислом лашкарлари озиқ-овқат билан таъминланди. Бу ерда Миср ва Мўғул-қипчоқ давлати, хусусан, унинг бошчиси Ўзбекхон ўртасидаги ҳарбий ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этди.



Ўзбекларнинг Миср подшоҳлари идоравий ҳаётида ҳам ўз ўрни бор. Улар подшоҳлик кенгаши амири, кўшин қўмондони, қурол-яроғ амири, карвонлар амири, ҳаж амири каби ўта эътиборли ва олий мансабларда ишлашган. Ҳатто Султон саройида фақат бир кишигина тайинланадиган Мажлис амири, Султон кўриқчиси, Султон шифокори каби лавозимларни ҳам ўзбеклар эгаллашган.

Шундай амирлардан бири Амир Ўзбек Юсуфий эди. У подшоҳлик давлатининг буюк амири, Султон Қайтбой даврида энг таниқли раҳбар, давлат маслаҳатчиси, йўлбошчиси эди.

Амир Сайфиддин Ўзбек ибн Тотоҳ ҳам Носир Муҳаммад ибн Қалавун подшоҳлиги даврида энг катта амирлардан эди. Амир Ўзбек Маҳмудий ҳам шулар жумласидан. Айнан у 824 ҳижрий йилда ҳаж амири сифатида ҳожилар карвонини бошқарган.

Дарҳақиқат, ўзбек хонлари ва Миср подшоҳлик даври султонлари ўртасида қандайдиган муносабатлари ҳам мавжуд бўлган. Масалан, Миср подшоҳи Носир Муҳаммад ибн Қалавун Ўзбек билан дўстона алоқаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида ҳижрий 720 йилда ўзбек амраси Тўлиной (ёки Тулунхотин)га уйланган.

Шунингдек, Мисрдаги ўзбек амирлари ҳам Миср султонларининг қизларига уйланишди. Масалан, амир Қусун Ўзбеки эллик минг динор маҳр бериб, подшоҳ Носир ибн Қалавуннинг қизига уйланди. Унинг ўғли Ўзбек ибн Тотоҳ ҳам подшоҳ Носирнинг Ўзбекхон қизидан туғилган қизига уйланган эди.

Мулоҳаза шунки, Султон Носир Муҳаммад ибн Қалавуннинг Ўзбекхон билан қандайдиган муносабати, ўзбекларни Мисрдаги юқори лавозимларга тайинлаши ўзбекларнинг ўша замонларда Мисрдаги туркий кўшинлар орасида алоҳида эътиборга молик табақадан бўлишганини кўрсатади. Дарҳақиқат, Носир ибн Қалавун Миср кўшинлари, амирлари таркибига қипчоқ мамлакатидан бўлган ўзбеклар кўпроқ киришини хоҳларди. Шунинг учун ҳам у билан Ўзбекхон ўртасида элчилар, совға-саломлар юбориш тинмасди.

Тўғрироғи, юборилган элчилар ўзбекларни, чунончи Сайфиддин Тўқсабо, Сайфиддин Бекмиш, Амир Алоуддин Ойдағдий Хоразмийларни яхши билишарди. Ўзбекхон Исломи қабул қилганидан сўнг подшоҳ Носир ибн Қалавундан фикҳ, ҳадис, суннатга оид китоблардан юборишини сўрайди.

Мақризий бундай ёзади: “Амир Сайфиддин Бекмиш Жумдор Зоҳирий, Амир Бадриддин Билик Сайфий Салорий ўзбек диёридан ҳада қаторида бир хат ҳам келтирдилар, унда “Жомийул усул фи аҳодисир расул”, “Шаҳрус Сунна”, Ровёнийнинг фикҳга оид “Баҳр” ва бошқа бир неча китобларни топиб юбориш сўралган эди, дарҳол тайёрлаб қўйилди”.

Ўзбекларнинг Носир Муҳаммад ибн Қалавун замонида эришган мартабалари, унинг ўзбеклар билан дўстона алоқалари, қандайдиган муносабати биз-

ни Султон Носир ибн Қалавуннинг ўзи ҳам асли ўзбеклардан келиб чиққан, деб ҳулоса қилишга йўллайди.

Тарихий манбаларда зикр этилишича, унинг отаси қипчоқлардан бўлган. Қипчоқлар эса “Дашти қипчоқ”, “Жаннатмакон юрт” деб таърифланадиган минтақани ватан қилган туркий халқларнинг номидир. Биринчи ўзбек давлатига асос солган Ўзбекхон ва авлодлари Абулхайр Шайбонийхон насаби ҳам уларга бориб қўшилади.

Султон Носир Муҳаммад ибн Қалавуннинг онаси Шалун хотин исми қипчоқ амраси бўлган, у Мисрда отаси билан яшарди. Тарихий манбаларда ёзилишича, Султон Носир ҳам қипчоқ мўғулларидан бўлган Ўзбекхоннинг қизига уйланган. Бу воқеалар Абулхайр Шайбоний қўли остида ўзбек давлати барпо этилишидан илгари содир бўлган.

Миср тарихий манбалари ўзбекларни гўзал фазилатлар ва ажойиб сифатлар – шижоат, саховат, виқор, бошқаришга моҳир, ҳарбий интизомга эга халқ дея тавсифлайди. Ўзбекхоннинг ўзи арабий манбаларда одил ва сажий подшоҳ бўлгани, унинг замонида Исломи гуллаб-яшнагани, уламоларни ва солиҳ кишиларни доимо иззат-икром этилгани таъкидланади.

Усманийлар даврида ҳам Мисрда ўзбеклар мавжуд эди. Усманийлар давридаги арзив ҳужжатларидан Қоҳирадаги Ўзбек тақия (маҳалла)си Ўрта Осиёдан келган барча ўзбекларни яхши кутиб олгани маълум бўлади. Усманийлар давлати уларга Султонлар вақфи (махсус ҳисоби)дан инфоқ-эхсон қилган, маҳалларини ободонлаштириш ва тузатишга алоҳида эътибор қаратган, у ерда яшовчиларининг озиқ-овқати ва илм олишлари учун етарли маблағ ажратган, уларнинг эҳтиёжига кўра китоблар чоп этишга рухсат берган.

Ҳозирги пайтда ҳам Қоҳирада бир қанча ўзбек оилалари яшайди. Шошлик, бухоролик, фарғоналик, тарозлик оилалар бор, улар юртлари номига нисбат берилган исмларини ҳамон сақлаб келишяпти.

Ўзбеклар Мисрнинг узок тарихи давомида унинг маданий ҳаётида ҳам алоҳида ўрин тутишган. Бунга ҳижрий 247 йили Қоҳира равазисидан Аҳмад Фарғоний бино қилган биргина Нил





# БИЗ КАТТАЛАР...

*“Бугунги ёшлар аввалгилардай эмас”, деб сиз замонни сўкманг. Аксинча, биз катталар кўнгилдагидай эмасмиз. Болангиз сизга сапчиётгани, унинг гувоҳлигида қилган хатоларингиз учун Аллоҳ болангиздан жазо ясаб сизга юбораёттир”.*

*Яҳё ибн Муоз насихатидан*

Йўлда кетяпмиз. Олдимиздан бир йигитча чиқиб, бизга салом бермай ўтди. Албатта, биз ранжидик. Ёш йигитчани ичимизда ҳақоратлаб, катталарга иззат-ҳурмат йўқолиб бораётганидан бошқаларга ҳам нолидик.

Хўп, шу ёш йигитча бизга салом бермай ўтган бўлса, нега биз ўзимиз унга салом бермадик?! Агар биз шу ёш йигитчага салом берсак, албатта, у мамнуният билан саломимизга алиқ

олмасмиди?! Балки шу баҳона келгуси сафар нафақат бизга, бошқаларга ҳам салом беришга одатланармиди...

Яна кетяпмиз. Йўлимизда қоғоз парчалари, сувқоғоз халта, музқаймоқ чиқиндилари, ўтин-чўп, ҳатто қотган нон ётибди. Ўтган-кетган ёшлар буларга парво қилмайди. Яна уларни сўкамиз. Хода ютгандай гўда-йиб кетавермай, энкайиб олиб қўйса бўлмасмикан, деб замондан нолиймиз. Ҳолбуки... Ҳолбуки, бугунги қариялар, яъни, бизлар ёш бўлганимизда оталаримиз кўчада ётган ҳар қандай қоғозни бировни сўкмай дарров олиб, девор қавағига суқушган ёки панароқ жойга қўйишган. Оёқ остида ётган тошни одамлар қоқилиб кетмасин деб йўл четига суриб қўйишган. Нон-

нинг ушоғиниям ердан олиб, пуфлаб, ўпиб, пешоналарига суртишган. Нега биз бугун ёшларимиздан нолийвера-миз-у, аммо ўзимиз уларга ўрнак кўрсатмай-миз?..

Эй кекса биродар! Тажрибадан аён: шом пайтида куёш бо-тишига қараб, эртанги кун куёши қандай чиқишини билса бўлади. Ботаётган куёш энди сиз билан бизмиз. Болаларимиз келгусида қандай бўлиб чиқишлари бизнинг қандай ботаётганимизга ҳам боғлиқдир. Яъни, сиз билан биз дунёда яхши ном қолдирган миллат вакилларимиз. Ўзимизнинг қусурларимизни ўнглашга қанча кўп эътибор берсак, ёшларимиз сизу биздан ҳам яхшироқ бўлиб камол топишади, иншааллоҳ.

**Анвар АБДУРАҲИМОВ,**  
*Андижон шаҳар  
“Намуна” маҳалла  
фуқаролари йиғини раиси*

миқёси (ўлчагичи)ни эслаш кифоя. Аҳамиятлиси шундаки, бу миқёсдан ҳозир ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Аҳмад ибн Тулун қурдирган жомеъ (масжид-мадраса) Мисрнинг ҳозирги кунда ҳам майдони жиҳатидан энг катта жомеъларидан биридир. Уни Аҳмад ибн Тулун милодий 878 (ҳижрий 265) йили қуриб битказган, Қоҳиранинг Саййида Зайнаб маҳалласидаги Ибн Тулун майдонида жойлашган. Аҳмад ибн Тулун бу жомеъни дин, Қуръон, лугат (тил) илмларини ўргатадиган олийгоҳ қилган, уни етук олимлар ва муҳаддислар маконига айлантирган эди. Кейинчалик бу илм даргоҳида дорихона, шифохона қурдириб, кучли табиб ва доришуносларни ҳам жалб қилди.

Бундан ташқари, Аҳмад ибн Тулун Катоеъ шаҳрига асос солди, Ислом замонида у Фустот шаҳридан кейин Мисрнинг учинчи пойтахтига айланди.

Миср тараққиётида ихшидийларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Амир Абу Бакр Муҳаммад ибн Тоғоч Ихшидий барпо эттирган ўттиз олти фаддонли “Ихшид боғи” бунга мисолдир. Амирнинг ўзи шу боғда яшаган ва ишлаган эди. Бу жой ҳозирда Моски кўприги яқиндаги янги кўча ва Шаброний жомеъи ораллиғида жойлашган.

Подшоҳлик даври обидалари ҳақида мулоҳаза юритганимизда, ўша даврда ўзбек меъморлиги

Миср иморатсозлигига нечоғли таъсир ўтказганига гувоҳ бўламиз. Мисол тариқасида Самарқанд кубба (гумбаз)ларини олайлик. Уларнинг (пиёз шаклидаги) маҳобати, ҳар томондан бир хил кўриниши, узун, алоҳида чиқиб турувчи бўйни ташқаридан жуда очиқ, равшан кўринган. Ҳолбуки, бу темурийлар иморатсозлигининг ўзига хос муҳим услубларидан эди. Худди шу нарса биз мулоҳаза юритаётган Ҳасан ибн Носир Муҳаммад ибн Қалавун масжиди куббаси ва Самарқанддаги Амир Темур мақбарасининг куббаси ўртасидаги катта ўхшашликда ёрқин намоён бўлади.

Худди шу шакл Қусун жомеъида ҳам қўлланган. Амир Қусун Ўзбекиё ҳижрий 720 йили Тулунбой Ўзбекхон қизини Носир Муҳаммад ибн Қалавунга никоҳлаш мақсадида келинга ҳамроҳ бўлиб Мисрга келганида 730 ҳижрий йили ўз номи билан аталадиган жомеъ қурдирган эди. Унинг “Зувабла” номли ташқи дарвозаси бор. Ҳозирги жойи Қоҳиранинг Дарбул Аҳмар маҳалласидаги Мағрибийлар кўчасида. Бу жомеъ бузилиб кетган бўлса-да, дарвозалари сақланиб қолган. Сайфиддин Ўзбек Юсуфий барпо этган “Ўзбек истироҳат боғи” ҳозир ҳам қоҳираликларнинг севимли масканидир.

**Комилжон РАҲИМОВ**  
*таржимаси*



### **Таълим масалалари муҳокамаси**

Шу йилнинг 23 апрелида Ўзбекистон мусулмонлари идорасида таълим масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда Ислом ўрта-махсус билим юртлари биноларининг ҳозирги ҳолати, уларда талабалар учун яратилган шароитлар, таълим жараёнининг моддий-техникавий жиҳозланиши, малакали ўқитувчилар ва сифатли ўқув қўлланмалари билан таъминланиши каби масалалар муҳокама этилди. Ишчи гуруҳлари тузилиб, уларга Ислом ўрта-махсус билим юртлари бинолари ҳолати ва таълим жараёнини ўрганиш вазифаси топширилди.

3 май куни бўлиб ўтган кейинги мажлисда ишчи гуруҳларнинг хулосалари тингланди.

Тошкент Ислом университети, Тошкент Ислом институти раҳбарлари, Ислом ўрта-махсус билим юртлари мудирлари иштирок этган мазкур мажлисларда энг муҳим вазифалар, уларни бажариш муддатлари белгилаб олинди.

**Мухбиримиз**

### **Маслаҳатлашиб олинди**

Жиззах вилояти масжидлари имом-хатиблари йиғилишида вилоят бўйича вакил Меҳмонжон Жабборов йилнинг ўтган ойларида амалга оширилган ишлар, масжидлар ободончилиги, топшириқларни бажаришга масъулият билан ёндашиш лозимлиги ҳақида тўхталди.

Мажлисда вилоят туманларида миссионерлик ҳаракатлари кучайгани, бу ҳолга бефарқ қараб бўлмаслиги таъкидланди. Шунингдек, масжидларнинг ҳужжат ишларини қонунга биноан тўғри юритиш зарурлиги ўқтирилди.

**Ботирхон РЎЗИЕВ,**  
вакил ноиби

### **Байрам ҳадялари**

9 май – Хотирлаш ва қадрлаш куни Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институтида Ўзбекистон мусулмонлари идораси тизимида узоқ йиллар ишлаган фахрийларга байрам дастурхони тuzалди. Тадбирда диний-миллий қадриятларимизни асраб-авайлашга умрини бағишлаган марҳум уламолар ҳурмат билан эсланди.

ЎМИ раиси, муфтий Усмонхон Алимов фахрийларга байрам ҳадяларини улашди.

**Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ**


### **Спорт беллашувлари**

14-15 май кунлари Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги таълим даргоҳлари талабалари ўртасида “Баркамол авлод” анъанавий спорт мусобақаларининг якуний босқичи ўтказилди.

Беллашувларда Тошкент Ислом институти 4-курс талабаси Аброр Абдуазимов (шоҳмот), Муҳаммад Беруний номидаги мадраса талабаси Рус-

там Бозорбоев (кураш), Тошкент Ислом институти талабалари Толиб Мамажонов (стол тенниси), Муҳаммадали Абдурашидов (тош кўтариш) ғолиб бўлишди.

Жамоа ҳисобида эса Тошкент Ислом институти биринчи, Имом Бухорий номидаги ҳадис илмий маркази иккинчи, Муҳаммад Беруний Ислом ўрта-махсус билим юрти учинчи ўринни олди.



**Акбар ДЎСМАТОВ**

таълим ва кадрлар тайёрлаш бўлими ходими

### **Билимдонлар танлови**

21 май куни Тошкент Ислом институтида Ислом ўрта-махсус билим юртлари талабалари ўртасидаги ягона олимпиаданинг якуний босқичи бўлди. Талабалар она тили, араб тили, тарих, фикҳ ва тафсир каби фанлардан билимларини синаб кўришди.

Нукус шаҳри Муҳаммад Беруний номидаги мадрасадан Жўрабек Ишаев ва Ҳадичаи Кубро аёл-қизлар мадрасасидан Феруза Дарвешева биринчи ўринни олишиб, Тошкент Ислом институтига грант асосида ўқишга қабул қилинадиган бўлди. Иккинчи ўрин Китобдан Хожа Бухорий номидаги мадраса талабалари Аббос Қосимов билан Меҳринисо Мирзаевага насиб этди. Учунчи ўринни “Кўкалдош”дан Баҳром Ақромов билан Бухородаги “Жўйбори Калон” аёл-қизлар билим юрти талабаси Ёқутхон Неъматова олишди.

### **Ёшларнинг қадриятларга муносабати**

22 май куни Тошкент Ислом университетиде “Ёшлар ва миллий-диний қадриятларга муносабат маданияти” мавзуида олий ўқув юртлари талабаларининг илмий-амалий анжумани бўлди.

Анжуманнинг биринчи босқичида талаба ёшларнинг ушбу мавзуга доир маърузалари тингланди. Иккинчи босқич савол-жавоблар тарзида бўлди. Унда Тошкент Давлат юридик институти, Тошкент Давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон Миллий университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Низомий номидаги педогогика университети ва Тошкент Ислом университети талабаларининг билим-малакалари синовдан ўтказилди.

Талабаларнинг билим ва фаоллигига берилган баҳоларга кўра, Тошкент Давлат юридик институти талабалари биринчи, Тошкент Ислом университети талабалари иккинчи, Низомий номидаги педагогика университети талабалари учунчи ўринни олишди.

**Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ**



«Отанга муносиб бўл...»

Иқтидорли болалар мактабидан оталар йиғилиши бўлиб ўтди. Мактаб раҳбари оталарга миннатдорлик билдириб, ўқувчиларнинг таълим-тарбияси, юриш туриш маданияти, кийинишда нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида гапирди. Ота-оналар ва ўқитувчилар Эшқувватовлар оиласини энг яхши оила деб эътироф этишди.

Сўз шу оила бошлиғи Абдулла акага берилди:

ўқи», дея Имом Бухорийдек аллома зотни тарбия эта олган. Афсус, баъзи оналар бола кўзи ўнгида отани маънан ўлдирди, обрўсини бир пул қилади. Она-сидан отани хурматлашни ўрганолмаган бола вақти келиб она-сининг ҳам, маҳалланинг ҳам юзига оёқ қўяди. Эрни эр қиладиган хотин энг олдин болалар наздида отанинг обрўсини юксалтириши лозим. “Э... отанг айтовради...”, “Отанг билмасин...” деган она ўзига ҳам хорланиш ҳукмини ўқийди.

қаттиқ ранжитди. Агар шунда вазиятни тушуниб, индамай кета олсангиз, фақат ютасиз. Аёлингиз тезда ҳовуридан тушади, ҳис-туйғуга берилиб, сизни хафа қилганини тушунади. Фаросати етса, дарров узр сўрайди. Чунки одобимиз талабларига кўра кечирим сўрашни аёллар бошлагани яхши.

Эр ҳам хотин ҳам газаб отига минса, оила “жанг майдони”га айланиб кетиши мумкин. Энди бу даҳанаки жангни тўхтатишга иккови қодир бўла

# ОНАЛАРДАН ЎРГАНИШАДИ

— Аввало, фарзандларимизга таълим бераётган устозларга раҳмат айтмоқчиман. Отанг улугми ё устозингми, деб сўрашганида: “Устозимни улуроқ деб биламан. Зеро, отам сабабли бу дунёда ерга тушдим. Устозим туфайли камолотга етдим”, дейишгани бежиз эмас. Оталик вазифамизни бажаришда Аллоҳ мададкор бўлсин.

Мен ҳар куни отамдан дуо олиб уйдан чиқар эдим. Бу одат болаларимга ҳам ўтган. Болаларимнинг онаси уларни шунга ўргатди. У доимо: “Отангнинг дуосини ол, отангни норози қилма, ота рози — Худо рози”, деб болаларга танбеҳ бериб туради. Менга ҳеч қачон тик гапирмайди. Рўзғорда ёки муомалада бирор камчилик сезса, ёлғиз қолганимизда: “Дадаси, мана шу ишга нима дейсиз...” деб маслаҳатга чорлайди. Болалар тарбияси, уларнинг ўзаро меҳр-оқибатли бўлишлари ота-онанинг яқдиллиги, ҳамфикрлигида ва болалар олдида бир-бирларининг обрўларни тўкмаслигидадир.

Шундай оналар бор, болалар олдида отани улуг инсон қилиб кўрсатади. Масалан, Имом Бухорий ҳазратларининг оналари каби. У: “Сенинг марҳум отанг ҳалол, меҳнаткаш, илмли инсон эди, сен отангга муносиб бўл, кўп китоблар

Мен болаларимга отани хурматлашни ўргатган ҳалол жуфтимдан миннатдорман.

Абдумутал ЗОМИНИЙ,  
Жиззах

## Кечирим сўраш кимдан...

Кечира олиш хислати энг яхши фазилатлардандир. Бир қарашда оний ютқазилган кўринган кечирини катта жоҳолларнинг олдини олади, келгуси ғалабага замин тайёрлайди. «Эр-хотиннинг уришиши — дока рўмолнинг қуриши» деганларидай, икки ошўфта қалбнинг арази узоққа бормаслиги кундай равшан нарсаси. Сал ихтилоф чиқдимми, бир томон дарров мураса-келишув йўлини танлаб, зиддиятни даф қилиш чорасини кўриши керак.

Оилада иложсиз равишда турли келишмовчилик, жанжаллар чиқиб туради. Чунки бир-бирига ўхшамаган феъл-атворли икки кишининг дарров тил топишиб, тотув бўлиб кетиши қийин. Бунинг учун кўп йиллар, катта чидам-бардош ва бағрикенглик, бир томоннинг вақтинча «таслим бўлиб», мухолифини кечирини талаб этилади. Айтайлик, аёлингиз тушунмасликданми ёки жаҳли чиқиб турган эканми, сизни

олмайди. Гишт қолипидан кўчиши, мурасасизлик қилиши қинидан чиқиши эр-хотинга асло яхшилиқ келтирмайди. Шундай ҳолатларда бир томоннинг андишага риоя қилиши, оғир-босиқ бўлиб, ақл билан иш тутиши шайтоннинг бўйинини синдиради.

Шоирларимиздан бири бундай гапни кўп қайтарарди: «Шарқ аёллари эрларини юксак қадрлашлари билан ажралиб туришади. Эрни «бегим», «хўжайин», «тўрам» каби чиройли сўзлар билан аташади. Бундай улуглаш кўр-кўрона мутъликдан эмас, балки хонадоннинг бахти эркак билан эканини англашдандир. «Эрсиз бошим — тузсиз ошим» нақли ёлғиз яшашда турмушдан файз кетишига далолатдир».

Агар аёл ўз ҳаддида турса, ҳатто тошбағир одамлар ҳам унга шафқат кўрсатади. Агар у аёллик назокати ва хурматини йўқотмаса, ҳар қандай эркак ҳам уни хўрлатиб қўймайди. Аммо у оила бекаси эканини унутса, эрига итоатни тарк этса, бундай аёл бахт нималигини билмай, пушаймонда ўтади.

Шаҳобиддин  
МУҲАММАД СОЛЕҲ,  
Асака туман-шаҳар  
бош имом-хатиби



# ЎКСИНМА

*Оиз Қаранийнинг «Ўксинма» (Ла таҳзан) китобида гўзал насихатлар, ибратли ўғитлар жамланган. Улар ҳар бир муслмонга, айниқса, бирор қийинчилик туфайли оғир вазиятда қолганларга жуда асқотади. Шу боис китобнинг айрим бобларидан парчалар чоп этишни маъқул кўрдик.*

**“Осмонлар ва ердаги (барча) жонзот Унга муҳтождир ва бор тилак-мақсадларини (Ёлғиз) Ундан сўраб” (Раҳмон, 29).**

Шамол эсиб, тўлқинлар қутуриб, денгиз талвасага тушганида, кема аҳли нидо қилишар: “Ё Аллоҳ!”

Саҳродаги ёлғиз одам адашса, отлиқ йўлдан оғса, карвон ора йўлда қолса, нидо қилишар: “Ё Раб!”

Агар сизга кенг ер торлик қилиб, юрагингиз юкни кўтара олмай сиқилса, ҳайқиринг: “Эй Яратган Эгам!”

Унинг исми билан тиллар айланиб, ёрдам сўраб, ҳамд ўқиб, нидо қилур. Унинг зикри билан юраклар хотиржам, руҳлар оромда, туйғулар сокин, асаблар тинч, ақл жойида, эътиқод мустаҳкамдир. **“Аллоҳ бандаларига Меҳрибондир” (Шуро, 19).**

«АЛЛОҲ». Энг чиройли исм. **“Унинг учун бирон “тенг”ни билурмисиз?! (Йўқ, билмассиз!)” (Марям, 65).**

Бойлик ва Боқийлик, қувват ва нусрат, куч-қудрат ва ҳикмат Унингдир. **“Бу Кунда подшоҳлик кимникидир? Яккаю ягона ва ғолиб Зот — Аллоҳникидир!” (Ғофир, 16).**

Лутфу иноят, ёрдам ва мадад Ундандир. **“Сизларга берилган барча ноз-неъматлар Ёлғиз Аллоҳдандир” (Наҳл, 53).**

Аллоҳим, Ўзинг бизларга азоб ўрнига тасалли, қайғу мукофотига шодлик, хавф пайтида тинчлик бер!

Парвардигор, Ўзинг бедор кўзларга ором уйқусини, безовта нафсларга осудаликни бер!

Парвардигор, бу ҳайрон кўзларни Ўз Нурингга, йўлдан

оғанни Тўғри Йўлингга ва у Йўлингдан бўйин товлаганларни Ўз ҳидоятингга йўлла!

Аллоҳим, Ўзинг барча ташвишларни чинакам тонг нури билан йироқлаштир, фирром виждонни ҳақиқат кўшини билан узоқлаштир ҳамда шайтон найрангларини Ўз аскарларинг кўмаги билан қайтар!

Аллоҳим, Ўзинг бизлардан ғам-андуҳларни кетказ, нафсларимиздан безовталиқни олиб ташла!

Барча хавфлардан паноҳни Сендангина топамиз. Ишонч ва таваккул, дуо ва илтижо фақат Сенгадир. Бизнинг Хоҷамиз Сенсан. “У Зот нақадар яхши Хожа ва нақадар яхши Мададкордир”.

## Сен бахтли бўл

Имон ва солиҳ амал осуда ҳаётинг тилсимидир, сен унга талпин. Илм-маърифатни изла ва таълим ол. Чунки билим ғамни кетказди. Тавба қил, гуноҳлардан воз кеч, чунки гуноҳлар ҳаётингни барбод қилади. Қуръон ўқи, мулоҳаза юрит, Аллоҳни доим эсла. Одамларга эҳсон қилишдан толиқма, қалбинг шод бўлади.

Жасоратли бўл, журъатсиз, кўрқоқ бўлмагин, чунки жасорат қалб оромидир.

Қалбингни ҳасад, адоват ғилли-ғаш ҳамда барча иллатлардан пок тут. Ортиқча назар, сўз, эшитиш, уриниш, емак ва уйқуни тарк эт.

Фойдали иш билан банд бўл, ғам-қайғуларни унутасан.

Чирой, ризқи рўз ва саломатчиликда ўзингдан куйидаги кимсага назар сол. Ёмон эҳти-

молларга тайёр тур, бошга тушганида у билан муомала қилишни ўрган.

Зеҳн-заковатингни зулмат ортидаги бузуқ фикр-хаёллар оғушига ташлаб қўйма. Ғазабланма, сабр қил, ҳалим бўл, кечир... Умр қисқади.

Неъмат тугаб, қачон интиқом вақти киришини кутма, Аллоҳга таваккул қил. Муаммоларни катгалаштирма.

Ўзингни фитна ва иғво ботқоғидан олиб қоч.

Ҳаётни соддалаштир, ҳашаматни тарк эт, чунки ортиқча айш — бандилик, ўта танпарварлик эса руҳ азобидир.

Сен ҳақингда айтилган ёмон сўзларни ўйлама, уларнинг сенга зиёни йўқ, айтгувчининг ўзига зиён.

Онгли бўл, неъмат, фазилат ва нажот ҳақида фикр юрит.

Яхшилиқни фақат Аллоҳ учун қил.

Бугунги ишни эртага қолдирма. Фойдали илм ўрган, фойдали ишни қил, ғам-қайғуларни унутасан.

Аллоҳнинг неъматлари ҳақида тафаккур қил, у ҳақида сўзла, Аллоҳга шукр қил. Аллоҳ сенга берган соғлиқ, мол-давлат, оила ва иш-амал билан қаноатлан. Яқин билан ҳам, узоқ билан ҳам яхши муомалада бўл. Айб-нуқсонлардан кўз юм. Бадантарбия билан шуғуллан, сайр қил, саломатлигинг ҳақида ўйла, чунки соғлом танда соғлом ақл бўлади.

Аллоҳ таолодан доимо афв-мағфират, яхши кайфият ва соғлиқ-омонлик сўраб дуо қил.



Арабчадан  
Заҳириддин  
таржимаси

(Давоми келгуси сонда.)

# ЯМАН РЕСПУБЛИКАСИ



Ҳозирги Яман ҳудудидаги биринчи давлат — Минэ подшоҳлиги милоддан илгариги 1200 йилдан 650 йилгача қадар бор бўлган. Милоддан олдинги ўнинчи асрда Шиба қироллиги, жанубда эса Катабан ва Хадрамавт давлатлари ташкил топган. Милоднинг биринчи асридан бошлаб то олтинчи асргача бу ерда қудратли Химяр давлати ҳукм сурган. Тўртинчи-олтинчи асрларда уни Ҳабашистон ва Форс ўлкалари босиб олади. 628 йил Араб жазираси жанубидан Ислом дини кириб келади. Шундан сўнг то ўн олтинчи асргача мамлакатни араб ҳукмдорлари идора қилишди. Кейинчалик Сокотра оролини португаллар, Санони эса Миср мамлуқлари забт этишди.

1538 йили Яманнинг катта қисми Усмонли халифалиги салтанати таркибига кирди ва роппароса уч аср Ислом ҳамжамиятининг аъзоси бўлди. 1839 йили Адан инглизларнинг ҳарбий базасига айланди ва шу

*Майдони:* 527970 км. кв.  
*Аҳолиси:* 18 миллион киши.  
*Пойтахти:* Сано шаҳри.  
*Тузуми:* республика.  
*Давлат бошлиғи:* президент.  
*Маъмурий тuzилиши:* 17 та вилоятдан иборат.  
*Йирик шаҳарлари:* Адан, Худайда, Тоиз, Муққала, Дамар.  
*Пул бирлиги:* яман риёли.

пайтдан бошлаб мамлакат иккига бўлиниб қолди. XX аср бошларида Яманнинг шимолий ва жанубий қисми ўртасига чегара тортилди. 1918 йили Шимолий Яман мустақиллигини эълон қилди ва 1962 йилгача конституциявий подшоҳлик тузуми ўрнатилди. Шу йили Яман Араб Республикаси тузилди. Жанубий Яман 1967 йилгача Буюк Британия қўл остида қолди. 1970 йили Яман Халқ демократик республикаси ташкил этилди, орадан йигирма йил ўтиб иккала ҳудуд ягона Яман Республикасига бирлашди.

Яман саноати ривожланмаган, мамлакат қишлоқ хўжалигига ихтисослашган. Кўпроқ хурмо, узум, анжир, ўрик, манго, анор, кунжут, пахта,



арпа, бугдой, дуккакли экинлар ва сабзавотлар етиштирилади. Чорвачилик ҳам анча тараққий қилган: эчки, йирик шохли қорамол, қўй, туя боқилади. Марварид излаш, балиқчилик ҳам йўлга қўйилган. Унча катта бўлмаган нефтни қайта ишлаш, тўқимачилик, зираворлар тайёрлаш, пахта тозалаш корхоналари бор. Қўл ҳунармандлиги, касаначилик кенг тарқалган, Яман ҳунармандлари тайёрлаган рўзгор асбоблари, чарм пойабзал, кулоллик ва заргарлик буюмлари, газлама ва қилич-ханжарлар мамлакат ташқарисида ҳам маълум ва машҳур.

Чет мамлакатларга нефт ва унинг қайта ишланган маҳсулотлари, чорва моллари, тери-чарм, пахта, гуруч, қаҳва ва балиқ сотилади. Хориждан эса кимё маҳсулотлари, семун, дастгоҳлар, асосий саноат моллари, ун, ғалла, шакар, озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилинади. Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистон-

ни, Хитой, Жанубий Курия, Япония, Франция, АҚШ Яманнинг асосий савдо шерикларидир.

Яман худуди саодат асридаёқ Ислом билан шарафланган табаррук заминлардан саналади. Бу ердан бир неча машхур саҳобийлар, улуғ олимлар етишиб чиққан. Ҳозир мамлакат аҳолисининг 99 фоизини мусулмонлар ташкил этади. Ислом Яманнинг давлат дини ҳисобланади, халқ ҳаётининг асосий жабҳалари диний талабларга бўйсунди. Яманда Ислом оламида машхур ўнлаб исломий ўқув юртлари, қадимий масжидлар бор. Биргина мамлакат пойтахти Санода қирқдан ортиқ тарихий ёдгорлик ҳисобланган масжид



ишлаб турибди. Уларнинг энг машхури табаррук зиёратгоҳ саналган Масжидул Кабирдир. Яман Республикаси Ислом Конференцияси Ташкилотига аъзо бўлган.

### Аҳмад ТУРСУН

#### Манбалар:

1. «Страны мира». Справочник. М., 2003. Стр. 179-182.
2. «Атлас мира». Справочник. М., 2003. Стр. 55.
3. «Ислом». Справочник. Т., ЎЗСЭ, 1989, 332-333-бетлар.
4. Интернет сайтлари.

## ДУО САБАБ ЙЎЛИМ ХАТАРСИЗ

Мен ҳайдовчиман. Узоқ йўлга қатнайман. Манзилга гоҳи кундузи, гоҳи тунда кириб бораман. Манзилга етгунимча турли одамларга, яхши-ёмон воқеаларга гувоҳ бўламан.

Келинглр, сизга бир воқеани сўзлаб берай. Бир куни аямнинг раъйларига қарамай, йўлга чикдим. Бекатдан тўрт йигитни олиб, Тошкентга жўнадим. Тўғриси, аямни хафа қилиб чиққанамдан кўнглим гаш эди. Аксига олиб, машинага ўтирган йигитларнинг қарашлари ҳам менга ёқмасди.

Тошкентга етишимизга бир ярим соатлар қолган. Эсон-омон етиб келаётганимдан қувонсам-да, кўнглим безовта. Йўловчилардан ҳамон ҳадиксирардим. Безовталиқ бежиз эмас экан. Ёнимдаги йигит тўсатдан йўналишни ўзгартиришимни буюрди. Тушунмадим, дея унга қараган эдим, қўлида пичоқ ялтиллади. Пичоқни биқинимга тиради ва: «Орқага бур, дала бўйлаб юрамиз!» деди. Танамдан совуқ тер чиқиб кетди. Орқа ўриндикдан бировининг: «Ака, биз тўрт кишимиз-а!» дегани хунук бир кулги аралаш қулғимга чалинди. Шу пайт дунё кўзимга тор бўлиб кетди. Аям, дадам, аёлим... Аямнинг ёлвориб: «Жон болам, бугун кетма, кеч бўлди, қоронғида қийналасан», деб ёлворишлари... бирма-бир кўз ўнгимда гавдаланди. Яқинда ота бўладиган эдим. Туғилажак фарзандимни кўролмаёйлиб кетсам-а... Уни қанчалик интизор кутган эдим. Ичимни алам кемирарди.

Хаёлга толибманми, машина секинлаган шекилли, пи-

чоқ биқинимга қаттиқроқ тиралди. Оғриқдан лабларимни тишлайман. Ойнадан орқага қарайман. Улар имо-ишора билан мени гумдон қилишни режалаштиришарди. Уларга янги машина керак эди.

Шу пайт миямда бир фикр ярқ этди. Бу йўллардан кўп ўтган эдим, яхши биламан – шу яқинроқда ДАН ходимларининг текшириш жойи бор. «Йигитлар, ҳозир бу ерда қайрилсам, мелисалар шубҳаланиб, орқамиздан қувишади. Ўтиб қайрила қолайлик», дедим. Улар бош силкишиб, рози бўлишди. Машинанинг чироқларини ёқдим. Текшириш жойига яқинлаша бориб, газни босдим, жуда катта тезлик билан олдинга юрдим. Текшириш жойига етганимда қаттиқ тормоз бердим. Менга пичоқ тираган йигит олдинга мункиб кетди. Орқадагилар ҳам бир бурчакка тикилиб қолишди. Пайтдан фойдаланиб, эшикни очдим-да, қочдим. Назоратчилар боя чироқларни ёққанамдаёқ вазиятни тушунишган экан, дарров машинани қуршаб олишди. Йигитларнинг қўлларини қайриб, олиб кетишди. Менга зиён етмаганини билишгач, оқ йўл тилашди.

Машинага ўтирарканман, кўзларимдан ҳам қувонч, ҳам алам ёшлари қуйилиб келарди. Аллоҳга шуқр айтдим...

Дуо кўрғон. Айниқса, отонанинг дуоси сабаб болаларни Аллоҳ бало-қазолардан асрайди. Энди уларнинг дуосини олмасдан йўлга чикмайман. Шундай қилсам, кўнглим равшан, йўлим хавотирсиз бўлади.

**АКРОМ,  
Жиззаа**



# СУЯРХОН ТЎРА МАРҒИЛОНИЙ

Бундан саксон йил муққаддам, советлар истибдоди авжига минган даврларда Марғилон яқинидаги Хонобод қишлоғида истиқомат тутган Исахон тўра хонадонидан бир фарзанд дунёга келди. Ўша кунлари Хонободда меҳмонда бўлган замонанинг етук олимларидан шайх Қосимхон тўрадан чақалоққа исм қўйиб беришини сўрашди. Шайх: «Рошидонда Суярхон тўра деган отлиқ улуг олим ўтган, жойлари жаннатда бўлсин, элсуяр, дину диёнатда, илму маърифатда пешво зот бўлганлар. Шу инсонга



ўхшаб улғайсин, исми Суярхон бўлсин», деб дуо қилди. Чиндан ҳам Суярхон тўра умр бўйи илм талабидан, дин қайғусида яшаб ўтди.

Суярхон бир ёшга тўлмай туриб отаси оламдан ўтди. Дуолар хосияти, онасининг жонкуярлиги туфайли болалиқдан оқилмга интилди. Кўшни қишлоқлик Мушаррафхон домлада хат-саводини чиқарди, Қуръони каримни ўрганди, сўнгра араб тили сарфнаҳвдан таҳсил олди. Жаҳон уруши бошланган суронли кунларда улар Марғилонга кўчиб келишди. Еттинчи синфда ўқиб юрган Суярхон эрта тонгда устозидан сабоқ олар, кундузи мактабга қатнар, дарслар тугагач, колхозда ҳисобчилик қилар эди. Кечқурун новвойга қарашиб, у берган нон билан онабола тирикчилик ўтказишар эди. Устозидан олган сабоқларини кечаси билан такрорлаб чиқарди. Пешиндан сўнг дала аёллар тушликни тугатиб, ҳордиқ чиқаришаётганида бирикки соатгина мизғиб оларди, холос.

Мушаррафхон домла шогирдининг илмга ташналиги, жидду жаҳдидан тўлқинланиб, узоқ дуо қилдилар: «Аллоҳим, болам Суярхонга бергин, кўп илм бергин, яна кўпроқ бергин, у бари ни эплайди». Устознинг дуолари ижобат бўлди. У зот вафотидан кейин ҳам Суярхон ҳамшиша илм талабидан бўлдилар. Ўтган асрнинг пешво олимлари ҳазрати Мулла Тоштемир Охун дада, Сулаймон қори, мулла Абдулҳаким ҳожилардан шариат ва тариқат илмини эҳтимом билан ўрганди. Ва ниҳоят замонасининг етук олими, фазилатли шайхи бўлиб етишди.

Тасаввуф илмида ҳам пешқадам бўлди. Аввал Марғилонда Хон бува оти билан машхур Мукаррамхон тўрадан сабоқ олди. Кейин

Риштон яқинидаги Амиробод қишлоғида ҳазрат Абдулазиз тўрага эргашди. Шогирдининг хизматидан мамнун устоз унга етук илм сўраб дуо қилди. Муршидининг дуолари ҳам ижобат бўлди. Буни Суярхон тўра ўзлари ҳар хотирлаганларида бундай дердилар:

– Устоз дуолари баракотидан Аллоҳ менга кўп илм берди. Қўлимга қалам олишим билан ёзмоқчи бўлган нарсаларим ўз-ўзидан қуйилиб келаверар эди. Қуръони каримга тафсир ёздим, наҳв илмига доир «Кофия» китобини таржима қилиб, уни шарҳладим. Сўфи Оллоёрнинг (раҳматуллоҳи алайҳ) «Саботул ожизин» асарларига ҳам шарҳ ёздим.

Суярхон тўра Маҳбубий-Марғилоний жами йигирмадан зиёд китоб таълиф ва тасниф қилган. «Илҳамур роҳман фи аҳкамил Ислам», «Далоилул хойрот», уч жилдли «Одоб, ахлоқ, тарбия рисоласи» (биринчи жилдигина нашр этилган), «Оят шифо», «Қасидаи амалий маҳдий султоний» (Назм ул ақоид), «Намоз – жаннат посбони», «Ислом динининг олти калимаси», «Қасидаи бурда», «Фарзандларга насиҳатлар», «Қизларга 312 насиҳат», «Фикҳи Кайдоний», «Тиббул маҳбуб, ҳуббул матлуб», «Авроди фатҳия» ва бошқалар шулар жумласидандир. Булардан фақат «Ҳадиси қудсий» 1991 йили «Мовароуннаҳр» нашриётида элик минг нусхада чоп этилган, қолганлари ноширларини кутиб турибди.

Суярхон тўра солиҳ фарзандларни, муносиб ворис бўлмиш салоҳиятли шогирдларни ҳам тарбиялаб вояга етказди. Фарзандлари Муҳаммадрасулхон, Муҳаммадасилхон, Фирдавсхон, Убайдуллоҳхон, Раҳматуллоҳхон, Музаффархон, Собитхонлар ота изидан бориб, илм-ирфон равнақи йўлида хизмат қилишяпти. Шогирдларидан Раҳмиддин Тўхлиев билан Муҳаммадали қори Ёзёвонда, Холмуҳаммад Салимов Самарқанднинг Ургутида, Мусаллам Рустамов билан Ҳамидуллоҳ Орзиев Тошкент шаҳри масжидларида, Абдумутал маҳдум билан Тўланбой ҳожи Андижонда самарали ишлар олиб боришяпти.

Бир гал Марғилон шаҳридаги олим зотлардан Абдусаммад Охун даданнинг бетобли-

гини эшитиб, зиёратига бордилар. У кишининг айтган гапларини Суярхон тўра умр бўйи эслаб юрди:

– Аллоҳ таоло сизга дин қайғусини, ҳидоятга бошлаш орзусини берибди. Қаерда ҳақдан гапирсангиз, одамлар сўзингизни тинглаб, баҳра олишяпти. Болам, бу фазилатни авайлаб асранг. Бу ишнинг икки офати бор: бири қўрқоқлик, иккинчиси одамлардан тамаъ қилишдир. Ҳар иккисидан ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Суярхон тўра хусни хулқда ҳам намуна эдилар. Бировни асло гийбат қилмасдилар, ўзгаларга ҳасади бўлмаган. Ҳеч кимни мазах қилмасдилар, устидан кулмасдилар. Меҳмонга жон фидо қилиб юборар, биров ёрдам сўраб келса, дарров хизматларини таклиф қилар эдилар. Табобат билан ҳам шуғулланиб, кўплаб дардмандларнинг шифо топиб кетишига сабабчи бўлганлар. Муомалада одам танламас, ичувчи, чекувчи каби кимсалар билан ҳеч бир истехзосиз гаплашиб, яхши йўлга чақиритишдан тортинмас эдилар. Бу зотнинг инсонни англашдаги хислатларидан иқтидорли психологлар ҳам ибрат олишса бўларди. Болаларни яхши кўрганларидан ҳамиша чўнтакларидан қанд, туршак, бодом каби неъматлар олиб юрар, болачаларга улашар эдилар.

Рамазон ҳайитига икки кун қолганида хотинларига: «Эртага жумага улгуриб қоламан, тайёрмисизлар», дедилар. Хотинлари, тўрам ҳазиллашяптилар, деб ўйлаб: «Ҳаммаси тахт, ташвиш қилмасинлар», деди. Эртасига саҳарликда оғиз бекитганидан кейин бомдодни ўқиб, тўшакка ёнбошладилар. «Сал мазам бўлмаёпти» деганлари учун хонадонга келган кимнидир қайтармоқчи бўлишди. «Йўқ, чақир, ноумид кетмасин», деб меҳмон истиқболига чиқдилар. Йигирма дақиқача ҳамсухбат бўлиб, дуо қилдилар. Сўнг таҳорат янгилашга уриндилар. Хотинлари кўмаклашмоқчи эди, рухсат бермадилар. «Шунча йил хизматимни қилдингиз, ярим соат қолди, ўзим...» деб ҳовлига ўтдилар. Таҳорат олгач, уйга кирдилар. Сўнг тўшакка ёнбошлаб, қиблага юз ўғирганча: «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур расулуллоҳ...» дея жон таслим этдилар.

2007 йилнинг 12 ўктабри, жума, муборак Рамазон ҳайити арафаси эди...

Алишер БЕК,  
Марғилон

Кўча-қўйда одамларнинг бир-бирларига қўпол муомала қилаётганларига тез-тез гувоҳ бўламиз. Бундай ҳолларга жуда эътиборсиз эканимиз ҳам сезилиб қолади. Бир ўртоғим яқинда: “Тоғни урса, талқон қилгудек акахонимиз ошхона ходимасига шундай ҳақоратомуз гапирдики, асти қўяверинг... Атрофда шунча одам бўлатуриб, нега бундай қиласиз, дейдиган топилмаганидан роса хижолат бўлдим...”

## МЎМИНЛИК БЕЛГИСИ

Дарвоқеъ, тил суяксиз, биз уни нимага кўниктирсак, ўшанга мослашиб бораверади. Ҳаёсиз гапларга одатланиб қолса, қўпол, тўнг сўзлар кундалик муомала тарзига айланиб кетади. Бора-бора бу ҳолни айб санамайдиган даражага тушамиз, тилимиз юрагимизга терс келиб қолади. Аслида, имон мавжудлигининг шарт тилда ва юракда бир вақтда Аллоҳнинг борлиги ва бирлигини тасдиқ этишидир. Шу боис ҳикмат эгалари: “Тилларингни «Бисмиллоҳ...»-га одатлантиринглар. Зеро, дўзахга киритилаётган инсон бу лафз туфайли ундан сақланиб қолади. Чунки тили мазкур сўзга одатланган одам дўзахга кираётиб ҳам “Бисмиллоҳ...” деб қадам ташлаши мумкин», деб таълим беришган. Ҳақиқатда ҳам, тил бир нарсани кўп такрорлайвергач, у аста-секин юракка ўрнашади. Ҳатто, тил айтмаган пайтлари ҳам юрак уни такрорлайверадиган ҳолга етади. Саҳобалардан бири: «Киши яхши хулқи туфайли ҳам жаннатга киритилади», деб сўраганида, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳа, албатта, банда чиройли хулқи учун жаннатга киритилади”, деб жавоб бердилар. Яхши ахлоқ дегани фақат чиройли кийиниш эмас, балки барча аъзолар, жумладан, тилни ҳам гуноҳдан сақлашдир. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Асл яхшилик охираат яхшилигидир”, деганлар. Охираат яхшилигини қозониш учун ҳар банда ибодатларни адо этиши, гуноҳлардан сақланиши, хулқини гўзал қилиши керак. Каттамизми, кичикмизми, дарсда ўтирамизми, кўчада юрамизми, аввало, ўзимизни ҳурмат қилишимиз, бошқаларга ҳурматда бўлишимиз чинакам мўминлик белгиларидандир.

Абдувоҳид ЎРОЗОВ

# ИСЛОМ ВА ОЛАМ



## Дания насронийлари миннатдорлиги

Ислом олимларининг насроний дини пешволарига йўллаган очиқ хатига Дания насронийлари жавоб мактуби ёзишди. Улар мактубда ушбу мулоқотни давом эттириш истагини билдиришиб, мусулмон олимларини Данияга таклиф этишган. Жавоб хатига мамлакатдаги насроний черкови ва жамоаларининг ўн олти вакили имзо чеккан.

Дания Черковлар миллий Кенгаши бош котиби Мадс Кристофферсен Ислом олимларининг Очиқ хатини: “Чуқур мазмунли, журъатли ва насронийлар билан мулоқот учун очиқ ҳужжат”, дея юксак баҳолади. Унинг фикрича, Очиқ хат дунёда кенг ёйилган икки дин вакиллари ўртасида самимий мулоқот ўрнатишда муҳим қадам бўлди.

Жавоб хатида Исо пайғамбарга (алайхиссалом) ҳурмат кўрсатишгани учун Дания насронийлари номидан мусулмон олимларига миннатдорлик ҳам изҳор этилган.

РИА Новости

## Ислом ва фан



Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида “Ислом ва фан” мавзуда халқаро анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда жаҳон фанида уламоларнинг ўрни, уларнинг кишилик жамияти тараққиётига қўшган ҳиссаси, динимизнинг

аниқ ва ижтимоий фанларга муносабати каби масалалар муҳокама қилинди.

Миср бош муфтийи шайх Али Жума айтишича, дин билан фан муносабатлари жуда

текис эмас: бир томондан, замонавий ихтиролар одамларнинг яхшироқ яшашларида ёрдам берса, иккинчи томондан, рухсат этилмаган, ножоиз, масалан, клонлаш (тирик жонзотни сунъий ясаш) каби мавзуларда ҳаддан ошишлар кузатиляпти.

Анжуман иштирокчилари замонавий Ислом жамиятида илмий тафаккур эркинлиги бундан минг йиллар илгариги даражасида эмаслигини таъкидлашди.

Анжуман якунида мусулмонларнинг илмий изланиш ва тадқиқотчилик шижоатини қайта тиклаш, олимларнинг турли фанлар бўйича фойдали тадқиқотларини қўллаб-қувватлаш ҳақида қарор қабул қилинди.

“Al-Ahram”

## Тўғри ўқиш, тўғри тушуниш учун

Москвадаги Осиё ва Африка мамлакатлари институтида Қуръони каримни ўқиш, қироат қилиш, маъноларини тушуниш масалаларига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди. Мазкур институт, Москва Ислом тамаддуни институти, Россия Фанлар академияси фалсафа институти, Истанбул университети ва “Сулаймония” жамғармаси анжуман ташкилотчилари бўлишди.

“Замонамизда Қуръони карим маъноларининг таржималари ва уларга изоҳлар кўпайди. Анжуманни ўтказишдан мақсад ана шундай шароитда замондош олимлар ва кенг китобхонларга Қуръони каримни тўғри ўқиш, оятлар маъноларини тўғри тушунишда ёрдам





“Беришдир”, деди Москва Ислом ҳазораси институти директори Саид Комилов.

*РИА Новости*

### **Ноёб манбалар рақамли кутубхонага**

Саудия Арабистонидаги қирол Абдуллоҳнинг фан-технология университети билан АҚШ Конгресси кутубхонаси ҳамкорликда қадим араб ва мусулмон илм-фани манбаларини Бутунжаҳон рақамли кутубхонасига киритиш учун махсус лойиҳа устида иш бошланди. Энг олдин, кутубхоначилар ва олимлардан иборат халқаро маслаҳат гуруҳи тuzилди. Гуруҳ китоблар ва бошқа ноёб манбаларни танлаш ва таснифлаш билан шуғулланади.

Мазкур лойиҳа доирасида қатор илмий тадқиқотлар ҳам олиб борилади. Мўлжалланган ишлар келгуси йил бошларида, ЮНЕСКО рақамли кутубхонани интернет тармоғига киритгунича якунланиши керак.

Қирол Абдуллоҳ фан-технология университети президенти Назми Наср айтишича, рақамли кутубхона туфайли бутун дунёдаги оддий одамлар ҳам исломий фанларга доир энг ноёб манбалар билан танишиш имконига эга бўлади.

*ArabNews*

### **ИКТ Бош котиби чақириғи**

Ислом Конференцияси Ташкилоти бош котиби Акмалиддин Эҳсонўғли Сомали пойтахтида зўравонликлар кучайганидан жиддий ташвиш билдирди. Яқинда бу ерда юз берган тўқнашувлар сабабли бир неча ўнлаб киши ҳалок бўлди, ярадорлар ҳам оз эмас.

ИКТ Бош котиби Сомали халқига мурожаат қилиб, қуролли тўқнашувларни дарҳол тўхтатишга чақирди. Акмаллидин Эҳсонўғли мамлакатда ҳукм сураётган чуқур ижтимоий таназзул ҳақида такрор эслатиб, муҳолиф томонларни куч ишлатишдан тийилишга, тинч музокараларни бошлашга даъват қилди.

*ИНА*

### **“Исломиятнинг кўҳна пойтахтлари”**

2009 йили Макка, Мадина, Қудус, Кейроун каби йирик, машҳур шаҳарларни қамраб олган “Исломнинг кўҳна пойтахтлари” лойиҳаси амалга ошириладиган бўлди. Кўпгина Ислом марказлари орасида Татаристондаги кўҳна Булғор шаҳри ҳам бор.

“Кейроун – Ислом пойтахти” лойиҳаси доирасида Тунисда бир қатор йирик халқаро маданий тадбир ўтказиш кўзда тутилган. Бу тадбирларда Татаристон ижодий жамоалари ҳам фаол иштирок этишади.

*Татар-Информ, ИТАР-ТАСС*

### **Санкт Петербург фестивали**

Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида “Араб маданияти куни” ўтказилди. “Араб талбалари уюшмаси” халқаро таълим дастурлари институти учинчи марта ана шундай тадбирни уюштиряпти.


Фестивал аллақачон яхши анъанага айланиб улгурди. Тадбирнинг улкан байрам тусини олгани бу ҳолни яққол намойиш этди.

Россия ва араб дунёси дўстона алоқалари минг йиллик тарихга эга. Анжуман иштирокчилари ўзаро ишончга асосланган бундай тажрибани янада бойитиш кераклигини таъкидлашди.

*Islam Online*

### **Британияда биринчи мусулмон ҳоким**

Бирлашган Қиролликка бундан бир неча ўн йиллар муқаддам келган 62 ёшли Жавод Исҳоқ Шимолий Линколншир ҳамда Буюк Британия тарихида биринчи шаҳар ҳокими (мэр) этиб сайланди.



Яқин кунларда

Сканторп шаҳри театри биносида унинг қасамёд қилиш маросими ўтказилади. Шундан сўнг у расман Тони Эллерби ўрнига ҳоким вазифасини бажаришга киришади.

Жавод Исҳоқнинг бундай масъулиятли лавозимга сайланишини шаҳар кенгаши раҳбари Марк Кирк ҳам қутлади ва Жавод Исҳоқ Шимолий Линколншир шарафига муносиб ҳоким бўла олишини таъкидлади.

*IslamNews, BBC*

### **Истанбулда янги музей очилди**

Туркиянинг Истанбул шаҳрида дунёда биринчи исломий фан ва технология музейи очилди. Шаҳар ҳокими Қодир Тўпбош айтишича, музей учта алоҳида бинога жойлашган бўлиб, уч ярим минг квадрат метр майдонни эгаллаган.

Музейда Ислом маданиятининг жаҳон илм-фани ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилган энг нодир намуналари намойиш этиляпти. Ҳозир музейда бир юз элликка яқин экспонат бор. Улар георафия, астрономия, физика, геометрия, тиббиёт, кимё, меъморлик, тоғ-кон ишлари ва ҳарбий соҳада қўлланилган қурилмалар, асбоблардир. Уларнинг сони яқин келажақда саккиз юзтага етиши кутилмоқда.

Музейда фан тарихига доир китобларга алоҳида хона ажратилиб, кутубхона, шунингдек, “Ёш ихтирочилар тўғараги” ташкил этиш режаланган. Музейга ярим асрдан буён фан тарихини тадқиқ этиб келаётган машҳур мутахассис Фуод Сезжин асос солди.

*“Ислам в РФ”*

### Кубада илк исломий марказ



Куба ҳукумати мамлакат пойтахти Гавана шаҳрида биринчи исломий марказ очилишига рухсат берди. Лотин Америкаси мусулмонлари уюшмаси бош котиби Муҳаммад Юсуф Ҳожи

исломий марказ очиш юзасидан Куба ҳукумати билан музокаралар ўтган йили бошланганини айтди.

“Католик тузилмаларни ҳисобга олмасак, янги исломий марказ Кубада биринчи диний ташкилотдир”, деди Муҳаммад Юсуф Ҳожи. Шунингдек, у кейинги йиллари мамлакат мусулмонлари фаоллашиб бораётганини таъкидлади. Бош котиб Лотин Америкаси мусулмонлари ташкилотининг йиллик йиғилиши июн ойида Венесуэлада ўтказилишини ҳам маълум қилди.

*ИНА*

### Саудия тамакига қарши

Саудия Арабистонида: “Оилада тамакига ўрин йўқ. Саратон хавфидан ҳимояланинг!” шиори остида кенгқамровли тадбирлар мавсуми бошланди.

Мавсум тадбирлари доирасида чекишга қарши кўча юришлари, теле ва радио эфирда махсус дастурлар намойиши, чекишнинг зарари тўғрисида босма ва аудио-видео маҳсулотлар тарқатиш, таълим муассасаларида маърузалар ўқиш кўзда тутилган.

Маълумотларга кўра, мамлакатда ҳар йили 23 минг киши сигарет чекиш келтириб чиқарадиган касалликлар сабабли ҳаётдан кўз юмар экан.

Макка ва Мадина шаҳарларида чекиш, бутун мамлакатда эса тамаки рекламаси тақиқланган. Ҳозир Риёз шаҳрида кашандаларни даволашга ихтисослашган катта шифона қурилиши режаланяпти.

*ИТАР-ТАСС*

### Бош котиб қоралади

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мун Исроил армиясининг фаластинлик тинч аҳоли, бегуноҳ болалар ва Рейтер агентлиги муҳбири ўлимига сабаб бўлган ҳаракатларини қаттиқ қоралади. Бош Котиб Ҳазо минтақаси, шунингдек, Исроил жанубида зўравонликлар кучайганидан чуқур ташвишда эканини билдирди. Исроил ҳукумати халқаро ҳуқуқ меъёрларини ҳурмат қилиши, бу борадаги мажбуриятларини бажариши зарурлигини эслатди.

Пан Ги Мун шундай мураккаб вазиятда томонларни «оғир-босиқ» бўлишга чақирди. Бош котиб Ҳазо минтақасига инсонпарварлик ёрдамини олиб ўтиш йўлини очиш мақсадида жаҳон ҳамжамияти Исроилга босим ўтказиши зарурлигини ҳам таъкидлади.

*Islam.ru*

### Кўҳна масжид қолдиқлари

Испаниянинг Гранада шаҳри яқинида қадимий масжид ва мусулмонлар қабристони қолдиқлари топилди. Қадимшунослар айтишича, бу топилмалар Оврупада мусулмонлар қурган энг қадимги шаҳарга тегишлидир. Бу шаҳарни халифа Абдурахмон III милодий 936 йили Қуртубадан саккиз чақирим узоқликда қурдирган эди.



Олимлар таъкидлашича, икки йиллик қазишмалардан сўнг топилган ашёлар фан учун жуда аҳамиятлидир. Зеро, улар Пиреней ярим оролида Ислом ёйилишининг илк босқичидан дарак беради. Кўҳна масжид ўлчамларининг катталиги унинг нафақат Қуртуба, балки бутун Андалусияда ҳам машҳур бўлганини билдиради.

*Islam Online*

Ризоуддин ибн ФАХРИДДИН

# КАТТА ГУНОҲЛАРНИНГ КАТТАРОҚЛАРИ

“Катта гуноҳларнинг каттароқлари Аллоҳ таолога шерик келтириш, ота-онани ранжитиш, ёлғон қасам ичишдир. Бир киши қози хузурида ёлғон қасам ичиб, бирон одамнинг ҳаққи тортиб олинишига сабаб бўлса ёки шу қасами эвазига чивин қанотича бирор нарса олса, Аллоҳ таоло шу кишининг кўнглига қиёмат кунига қадар кетмайдиган бир қора тугун солиб қўяди” (*Аҳмад ибн Ханбал. “Муснад”, III жузъ, 495-бет.*)

Аллоҳ таолога ширк келтириш катта гуноҳ экани ақлан ва шаръан маълум. Ота-онани ранжитиш ширк даражасида бўлмаса-да, ширк каби катта гуноҳларнинг каттароғидир. Куръони карим: “(Эй инсон), **Парвардигоринг сизларга ёлғиз Унинг Ўзигагина ибодат қилишингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишингизни амр этди. Агар у икковидан бири ёки ҳар иккиси ҳам сенинг қўл остингда кексалик ёшига етсалар, уларга қараб “уф” тортма ва уларнинг (сўзларини) қайтарма! Уларга (доимо) яхши сўз айт! Улар учун меҳрибонлик билан хорлик қанотини паст тут** (хокисор бўл) **ва: “Парвардигорим, мени (улар) гўдаклик чоғимдан тарбиялаб-ўстирганларидек, Сен ҳам уларга раҳм-шафқат қилгин”, деб (ҳақларига) дуо қил!”** (*Исро, 23–24*) дея ниҳоятда улуг бир насиҳат қилади.

Ота-онанинг ҳақлари ва ҳурмати жуда улуг. Уларни ҳурматлаш Аллоҳ таолога ибодат қилиш билан бирга саналгани, уларни ранжитиш эса, ширк каби қабоҳат ҳисоблангани сабаби ушбу ояти каримада маълум қилинапти. Яъни, улар фарзандларини гўдак вақтидан бошлаб тарбия қилишган ва катта бўлганларидан кейин ҳам жонларидан-да азиз кўриб, хайрхоҳ

бўлишган. Фарзандларнинг дунёга келишлари неъмат ва раҳмат экани кўплар ўйлаганидек, дунёдалик вақтларидаёқ қатъий суратда маълум бўлса эди, у тақдирда ота-она ҳурматининг юқори бўлиши сабаби “боланинг дунёга келишларига сабабчиликлари” деган гап тўғри бўлар эди. Лекин дунёдалик вақтда бу иш қатъий суратда тугул, ҳатто тахминий суратда ҳам маълум эмас. “Вужуд”нинг (борлиқнинг) фақат яхшилик эканини ҳинд, юнон ҳамда ҳозирги замон Оврупа файласуфларининг “Ваҳдати вужуд” таълимотига қойил бўлувчилар даъво қилишади.\* Бизни бундай назарияга ишонишдан динимиз ва имонимиз манъ қилади.

...Эҳтимол, дунёда яхши ниятли кишилар кўпдир. Бизнинг сўзимиз ундай нодирлар ҳақида эмас, балки умумга қарабдир. Кўпларнинг фикрича, бола ахлоқ китобларида ёзилган ниятлар ва қасдлардан кўра, кўпроқ нафс муродини қондириш сабабли дунёга келади. Ота-она кўп вақтда унинг бўлишини тиламайди. Баъзилари шу мақсад йўлида чора ҳам кўришади. Энди шу равишда ота-онанинг қасд ва ниятларига қарши дунёга келган боланинг туғилиши тўғрисида ота-онанинг қандай яхшилиги кўрилади?

Бу узун сўзлардан мақсад ота-онанинг ҳурмати улуг бўлишининг ҳикмати бола дунёга келишига сабаб бўлишлари жиҳатидан эмас, балки ояти каримадан англашилганидек, боланинг жисмини, руҳини ихлос билан тарбиялашлари, уларга хайрхоҳликлари ва жонларидан ҳам яхши кўришлари жиҳатидан эканини исботлашдир. Ҳақиқатдан ҳам ота-онанинг бу тўғрида хизматлари жуда улуг бўлиб, бунга ҳар

қанча мукофот бериб адо этиш мумкин эмас.

Ёлғон қасам гуноҳга ботирувчи қасамдир. Ҳадисда келган таҳдид тавбасиз вафот этган киши ҳақида. Ёлғон қасам ичган одам ихлос билан тавба қилса, қалбидан қора тугун йўқолиши мумкин.

Қасам бир сўзнинг ҳақлигига Аллоҳ таолони гувоҳ этиш бўлиб, куйидаги навларга бўлинади:

**1. Ғамус.** Ўтган замонда бўлган ёки бўлмаган бир иш ҳақида билатуриб ёлғон қасам ичиш. Ушбу ҳадиси шарифда зикр этилганига кўра, бундай қасам катта гуноҳлардандир.\*\* Бир киши бу қасамга мубтало бўлса, тавба ва истиғфор айтиши зарур. Каффорати учун пулмол сарф қилиш фойдасиз.

**2. Лағв.** Бўлиб ўтган бир иш ҳақида ўзининг гумонига ишониб қасам ичади, аммо гумони нотўғри чиқади. Масалан, Абдуллоҳга қарзини берганман, деб гумон қилиб қасам ичади, лекин бермаган бўлади ва ҳоказо... Бу қасамнинг кечирилиши умидлироқдир.

**3. Мунъақид.** Келажак бир иш ҳақида қасам ичади-да, шу сўзидан тура олмайди. Бунда каффорат лозимдир. Қасам ичишда хоҳ ихтиёрий, хоҳ ихтиёрсиз, хоҳ билатуриб, хоҳ унутиб ичсин, фарқи йўқ. Каффоратнинг энг ози ўн мискинга таом ёки кийим беришдир. Бунга қодир бўлмаса, уч кун кетма-кет рўза тутати.

\* “Йўқ бўлганимдан кўра мавжуд бўлиб, дўзахда азоб қилинишим яхшироқ”, деган сўз Ренандан келтирилади.

\*\* “Ғамус” — “ғамаса” сўзидан бўлиб, “киргизувчи”, “гуноҳга ботирувчи” деган маънодадир.



# Ҳақ йўлдаги огоҳларга ҳамроҳ бўл

## Шукр

Эгам! Ёлғиз Сенга қулман,  
Шукр, мақбул қул бўлолсам.  
Очилтирсанг — хандон гулман,  
Шукр, манзур гул бўлолсам.

Сен бор қилсанг, бор бўлурман,  
Саркаш эрсам, хор бўлурман.  
Шукр, бўйинсунган гулман,  
Қачон сўлдирсанг, сўлурман.

Маъюс турганда, қул десанг,  
Кулганимга ул дам шукр.  
Дард бериб, қилсанг ҳолим танг,  
Чексам ранжу алам, шукр.

Оқизсанг кўздан ёш, шукр,  
Хаста қалбим давоси бу.  
Тегса бошимга тош, шукр,  
Саждасиз бош жазоси бу!

Шукр, олган ҳар нафасга,  
Бўлмайин қиёмат қойим!  
Булбулдек кирмай қафасга,  
Шукр, кенг маконда жойим.

Шукр шомдан етсам тонгга,  
Тинч хотиржам ўтган онга.  
Осий ул кас — шукр қилмас  
Қатра сувга, бурда нонга.

Йўққа бор кўз ила боққил,  
Ознинг шукрини кўпроқ қил.  
Кўпнинг ҳисобин идрок қил,  
Тақво қил, ҳалқуминг пок қил.

Шокир азиз, ризқ-рўзи нур,  
Хорликка маҳкум ношукр!  
Не нонхўр у, дегил нонкўр,  
Дилида на нур, на шуур.

Шукр, гар нотавонингман,  
Гар дон эмас, сомонингман.  
Ор этсам, ёмон десалар,  
Шукр, Сенинг ёмонингман.

Шукр лафз-ла бўлмас адо,  
Амални қилур тақозо.  
Амрин қил, тақиқдан қайт,  
Раббинг сендан бўлгай ризо.

## Сўнги тилак

Тилай-тилай, ола-ола,  
Тилашга юзим қолмади.  
Нафсим солиб бошга бало,  
Тоқату тўзим қолмади.

Бунча сахийсан, бунча бой,  
Сўрасак, бераверасан.  
Элда озми мендек гадой,  
Барчамизни тенг кўрасан.

Берганларинг шукрин адо  
Этсам, умрим етса зора.  
Бермасанг берма, мен ризо,  
Берсанг, хавф ортар тобора.

Эртага бўлар, ўйласам,  
Бу неъматларнинг сўроғи.  
Эгасин рози қилмасам,  
Ҳолим мушкул ҳисоб чоғи.

Оҳким, яна бор ҳожатим,  
Айтай десам, мен уятли.  
Ўзингга аён ҳолатим,  
Журмим кўп, дилим сиёҳли.

Сени қўйиб, кимдан сўрай?  
Холиқо! Қотди-ку бошим.  
Халқдан сўрагунча ўлай,  
Бандага юк қилма лошим.

Яна сенга юзланаман,  
Биргина нарса тиларман.  
Керагим бор, гезланаман,  
Берсанг, лутфинг деб биларман.

Рад қилсанг... оҳ, бу — мусибат!  
Совуқ дамидан музларман.  
Ишим зор-тазарру фақат,  
Хўнграб, бўтадай бўзларман.

Тангликда десам: “Ё Аллоҳ!”  
Сўрарсан: “Бандам, не керак?”  
Раббим! Имонни қил ҳамроҳ,  
Бу тилагим — сўнги тилак.

Демасман: умрим узайтир!  
Бунда узоқ қолиб нетай?  
Мўминликда гўзал ўлдир,  
Сендан келдим, Сенга етай.

## Ичимда

Истадим, кириб ичкари,  
Кўрсам нелар бор ичимда.  
Банд айлаб дунё ишлари.  
Билмасман не кор ичимда.

Яшил кийди дала-тузлар,  
Уйғонмас баҳор ичимда.  
Эрийди тоғларда музлар,  
Нега ҳануз қор ичимда?

Зимистондир чўкиб зулмат,  
Қачон отар тонг ичимда?  
Исёнларга қилиб даъват,  
Фаним урар бонг ичимда.

Талашади куфру имон,  
Тинмас бир замон ичимда?  
Рухим бир ён, нафсим бир ён,  
Жангу галаён ичимда.

Ўйласам, ўзим бир жаҳон,  
Неча дунёлар ичимда.  
Чўзиб қўл фалаклар томон,  
Кибру ҳаволар ичимда.

Агар дамимдан сўнса шам,  
Қолмас зиёлар ичимда.  
Оҳ! Лабимга етишмас нам,  
Қуриб дарёлар ичимда.

Юзим ҳам борар қорайиб,  
Чун шўрлаган лой ичимда.  
Кунба-кун феълим торайиб,  
Ҳимматга йўқ жой ичимда.



Кирмагунча нури ирфон,  
Гул очмас баҳор ичимда.  
Сайр этарга дўсту ёрон  
Қани бир гулзор ичимда?

Мавлом! Ўзинг нурга тўлдир,  
Қўйма бўш майдон ичимда.  
Урай, тавфиқ тигини бер,  
Қолмасин шайтон ичимда.

Нечук сиғар шоҳлар кўшки?  
Тахти Сулаймон ичимда.  
Бўлса бас, Фозил, Ёр ишқи,  
Гавҳари имон ичимда.



### Дўст изла

Ёт билма одамни, эй Одам ўғли,  
Ҳар бирин десанг жоиз: “Отам ўғли”.  
Қон-қариндошлигинг ҳақ, чунки отанг бир,  
Демакки, барчаси ининг, оғангдир.

Бўлса ҳам фарқ ирку миллат ва рангда,  
Оғайнилик ҳақи бордир зиммангда.  
Инсонийлик бурчинг қилма фаромуш,  
Адашганни ҳидоят аҳлига кўш.

Дўстлашсанг ҳақиқат риоясида,  
Паноҳ топгайсан Аршнинг соясида.  
Қаён борсанг, жигар, биродар изла  
Мулойим бўл, ким “сен”ласа, сен “сиз”ла.

Ётсираш, ёвсирашга бўлма мойил,  
Шубҳаю адоватга чек қўя бил.  
Фаним топмоқ бўлса агар муддао,  
Қилур Раббинг сен учун ганим пайдо.

Бас қил ковлашни, душман тарошлама,  
Чўчиб ҳар шарпадан, дилни ғашлама.  
Чиқмас дема қиёқдан қил қидирсанг,  
Гар тирнасанг, тақир ердан чиқар чанг.

Гумон ботил, кетиб кўнглинг гумонга,  
Яхшини чиқарма ногоҳ ёмонга.  
Иғво ўтин ёққан ўзи кул бўлар,  
Зулм чоҳин қазган юзтубан қулар.

Чоҳ ила ўт хавфидан сен огоҳ бўл,  
Ҳақ йўлдаги огоҳларга ҳамроҳ бўл.  
Дўстни, душманни фарқла бўлиб хушёр,  
Бу йўлда хато қилсанг, ҳолинг душвор.

Ҳилму мадора боис бериб тавфиқ,  
Не ажаб қилса Ҳақ рақибни рафиқ.  
Дўст изла, кек-кадар хаёлидан кеч,  
Бу ишни ҳозир қил, кейин бўлар кеч!

Урганч

## Тўра ХОЛМУРОД

### Ҳиммат бер...

Парвардигор, мен ҳам ожиз бир банда,  
Фафлат ичра кездим сарсон, мадорсиз.  
Яхшилиқнинг гунчалари бу танда  
Сўлиш олди, қолди нурсиз, баҳорсиз.

Ортга боқсам, неча нопок йўлларда  
Тентирабман, тан олмайин нетарман?  
Ташнаю зор қолдим саҳро, чўлларда,  
Айтгин, қачон мен дарёга етарман...

Кўнглим энди чин тавбага юз буриб,  
Кўзёш ила гуноҳ доғин ювсам дер.  
Нафсни хорлаб, шайтон бўйнига уриб,  
Холис тоат айламакка ҳиммат бер...

### Одамлар бор...

Одамлар бор ачинади куйган эски латтага,  
Лекин ака-ука, қариндошга меҳри йўқ.  
Мол-мулки мўл, қайишмайди кичик-каттага,  
Атрофида фарзандлари, шундан кўнгли тўқ.

Одамлар бор тилда номи гарчи “бегона”,  
Яхши-ёмон кунда бир-бирининг тираги.  
Дўсти учун дил тўрида қурмиш кошона,  
Дўстга ногоҳ тикан кирса, оғрир юраги.

Бектемир тумани



## Эркин МАДОЛИМОВ

### Таниган

Ҳақдан қўрққан нафсин тийиб толмагай,  
Ўз ҳолидан ҳеч гафлатда қолмагай.  
Кузни кутар, ғўрага чанг солмагай  
Боғнинг асл боғбонини таниган.

Замин бағри карвонсарой — талотўп,  
Кимдир найза тутган, кимдир халачўп.  
Адашмайди, гарчи бунда йўллар кўп,  
Тўғри йўлнинг сарбонини таниган.

Қайдан келдим? — ўйлар ҳазрати инсон, —  
Умр қисқа, борар ерим қай макон?  
Тутар олий жаннатларда ошиён  
Икки жаҳон Султонини таниган.

Марҳамат тумани



Шиносий ГУНДУЗ,  
профессор

# МУСУЛМОНЛАРГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МИССИОНЕРЛИК ҲАРАКАТЛАРИ

Мусулмонларга қарши йўналтирилган илк миссионерлик ҳаракатларига милодий VIII асрдаёқ дуч келиш мумкин. Турли ғарб манбаларида Андалусия подшоҳи Абдулазиз (713-716)ни насроний қилишга хотини Эгинола урингани айтилади. Бу аёл ғарблик илк миссионер ҳисобланади. «Франция роҳиби» номини олган челонялик Аббат Хуг эса 1074 ва 1078 йиллари Андалусияда Сарагосса-нинг мусулмон раҳбарига икки мактуб ёзиб, уни насронийликка даъват қилади. Яна бу асрда Папа VII Грегорий ҳам Шимолий Африка мусулмонларига қарши яширинча миссионерлик ҳаракатлари уюштирган<sup>1</sup>.

Салиб юришлари чоғида қилинган миссионерлик ҳаракатларида бир нарса диққатни тортади: бу юришлардан кўзланган асос мақсадлар турлича бўлса-да, миссионерлар бу юришлардан мусулмонларни насронийлаштириш учун қулай бир фурсат сифатида фойдаланишган. Бошқа бир жиддий миссионерлик ҳаракатини XIII асрда ассисилик Франкис амалга оширади.

Франкисдан кейинги муҳим шахс Роман Лулл ҳисобланади. Черков тарихида энг муҳим ўринлардан бирини тутувчи Лулл мусулмонларни насронийлаштиришнинг уч усул-хусусиятини кўрсатади. Буларнинг биринчиси мусулмон ўлкаларнинг маҳаллий тилла-

рини ўзлаштириш-ўрганиш эди. Ҳақиқатдан ҳам Луллнинг бу фикри XIV аср (1312-1313)да Вияна консуллигида, Рома, Оксфорд ва Париж университети каби йирик ўқув юртларида амалга оша бошлади. Мусулмон халқлари тили ўрганишга киришилди<sup>2</sup>. Унинг иккинчи усули насроний таълимоти акс этган асарларнинг ёзилиши эди. Учинчиси эса мусулмонлар орасида миссионерлик ҳаракатларини юритувчи мард ва ишончли инсонларни етиштириш фикри эди<sup>3</sup>.

Ўрта асрларда Ислом ўлкаларига қаратилган миссионерлик ҳаракатларида жуда муҳим нукта бор эди. Насроний роҳиб ва сайёҳлар Ислом ўлкаларига сафар қилиб, уларнинг заиф томонларини ўрганишга киришганлар. Масалан, турли Ислом ўлкаларига саёҳат уюштирган Фабри ва Пилоти каби сайёҳларни айтиш мумкин. Булардан Пилоти насронийликни қабул қилганлар жуда яхши адолат ва эҳсонга сазовор бўлишини таъкидлаган. Яна бир миссионер Кеттонли Роберт эса Курьонни бузиб таржима қилган. Арабча баҳс асарлар ғарбда кенг ёйилган.

Ислом ўлкаларига қаратилган шиддатли миссионерлик ҳаракатлари ғарбнинг мустамлакачилик юришлари билан ёндош ҳолда амалга оша борди. XVI асрдан бошлаб жизвитлар номи билан черковга боғланган миссионерлар гуруҳи Африка ўлкаларида, Ҳиндистонда, Узоқ Шарқ ва Ўрта Шарқда кескин ҳаракатларни амалга оширганлари кўзга ташланади. Хусусан, Испаниол-портекс ташвиқотида боғлиқ ҳолда учинчи дунё деб ҳисобланган ҳудудларда миссионерлик фаолиятлари шиддатли тусга кирган. Жануб ва Жанубий-шарқий Осиё билан Африкада уюштирилган ҳаракатларга Ҳиндистон, Хитой, Япониядаги ҳаракатлар ҳам қўшилди<sup>4</sup>.

XVIII асрдан эътиборан бу ҳаракатларга турли протестант черковларига боғлиқ миссионерлар ҳам қўшилишди. Ҳенри Мартин «British East India» компаниясининг бир роҳиби сифатида 1810 йили Ўрта Шарқда фаолият кўрсатган илк протестант ҳисобланади. «Church Missionare Society of the Church of England» эса бир оз кейин Фаластинда иш бошлаган. «American Board of Commissioners





for Foreign Missions» ташкилоти миссионерларнинг Ўрта Шарққа келишларини назорат қилган. Бу ташкилот аъзоларидан икки америкалик миссионер Л.Персонс ва П.Фиск 1820 йили Измирга жойлашиб, миссионерлик фаолиятларини юритишган<sup>5</sup>.

Ислом ўлкаларига ва учинчи дунёга қаратилган бу ҳаракатларда миссионерлик ташкилотлари ва уларнинг аъзолари бу ҳудудлардаги мустамлака бошқарувлари билан яқин алоқада бўлишган.

Шу тариқа миссионерлар ташвиқот билан бирга сиёсий ишларга ҳам бош тиқишган. Масалан, XIX асрнинг бошларида Измирга келган америкалик миссионер Парсонс 1820 йили Измирдан ёзган бир мактубида Усмонли салтанати билан боғлиқ шу қайдларни битган: «Кўнглимда илоҳий ёрдам билан кудратли ва гуноҳкор императорликнинг тамоман вайрон бўлишини таъминловчи система қуришга кучли истак ҳис қиляпман. Буни кўриш орзуим...»<sup>6</sup>

Миссионер ташкилотларининг Ислом ўлкаларидаги асосий нишони мусулмонлар ва бошқа бутун халқ эди. Аммо мусулмонларнинг ва бошқа маҳаллий ҳукмдорларнинг жиддий эътирози ва қаршилиги миссионерларнинг ишларини анча тўсиб қўйди. Шунга қарамай, миссионерлар Ислом ўлкаларида яшовчи баъзи халқларга таъсир ўтказишди. Бу ишда улар очган таълим муассасалари кўл келди. Бу таълим жамиятлари халқ орасида турли низолар чиқаришни ҳам кўзлар эди.

Сўнги икки асрда турли йўл ва усулларда ҳаракатлар юритган миссионерлар исломий қадриятларга қарши нохуш тассуротлар уйғотишга интилишди. Масалан, Г.Пфандер ва З.Звемерлар бошлиқ миссионерларга оид нашрларнинг арабча, туркча, форсча нусхалари ушбу мақсадларга хизмат қилган.

Ушбу ёзма ташвиқот нашрларидан бири Пфандернинг XIX асрда ёзилган «Мезонул ҳақ»<sup>7</sup> асаридир. Бу асар ҳақоратли, масхараомуз фикрларга тўла китобдир. Бу каби асарлар турли тилларга ўгирилиб, исломий ўлкаларнинг ўзларига тарқатилди. Пфандернинг асарига Раҳматуллоҳ Қайрановий «Изхорул ҳақ» номли асари билан жавоб берди<sup>8</sup>.

Фақат XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ғарб давлатларидаги сиёсий, ҳарбий кучларнинг дунёвий ҳукмронликларини орттириб боришлари ва ҳарбий кучлари билан миссионер ташкилотлари ўртасидаги яқин алоқалар уларнинг янгидан «хужум»га ўтишларига имкон берди. Шу зайдда миссионер ташкилотлари, халқаро беминнат ёрдам ташкилотлари, иқтисодий ташкилотлар ва бошқа номлар билан ўзларини ниқоблаб, мусулмон-

ларга қарши миссионерлик фаолиятларини юрита бошладилар.

Бугунги кунда черковларга боғлиқ мингларча миссионер ташкилотлари билан бирга юзларча мустақил миссионерлар дунёнинг турли бурчакларида ўз ҳаракатларини юритишмоқда.

Баъзи ҳудудларда улар ўзаро ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар. Аммо баъзида (Африканинг айрим жойларида) бир-бирига рақиблик ҳоллари ҳам учрайди. Шундай рақиблик туфайли тарих – 1990 йили Руандада бўлган қатлиомдаги каби – шиддатли тўқнашувларга ҳам гувоҳ бўлди.

«Бутун дунёни Инжил хабарлари руҳида тарбиялаш» шиори билан йўлга чиққан<sup>9</sup> Америка ва инглиз ташвиқотчилари, айниқса, XX асрнинг сўнги чорагидан бошлаб дунёга таъсир қилувчи янги дунё тартиботи ва минтақалашувини амалга ошириш учун ижтимоий ва сиёсий шароитлардан ҳам фойдаланишяпти. Ушбу ҳаракатлар дунёнинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни бошдан кечираётган ёки АҚШ ҳамда ғарбий Оврупанинг ҳарбий ва маданий таъсири остида бўлган ўлкаларда кўпроқ амалга оширилмоқда. Шу тариқа Ўрта Шарқ ўлкалари билан бир қаторда Болқонда, Кавказ ўлкаларида, Ўрта Осиёда, Туркияда миссионерлик ҳаракатлари кучаймоқда.

**Абдуллоҳ МУРОД**  
таржимаси

(Давоми бор)

<sup>1</sup> A.H.Cutler. Catholic Missions to the Moslems to the End of the First Crusade (1100). Dissertotaion Abstract v 24. 1963. s. 3706.

<sup>2</sup> «Консулликда мусулмонларга қарши ҳаракатлар муваффақияти учун Ислом ўлкаларидаги тилларнинг ўрганилишига доир. ... улар шу тилларни (арабча, иброний ва қалдоний) ўрганиб бўлгач, ишончни янада яхши ёйдилар...» Neuner-Dupuis the Christian Faith. ss. 306 vd.

<sup>3</sup> Neill, A History of Christian Missions, 114–117-6.

<sup>4</sup> M.Twaddle (ed), Christian Missioners and The State in The Third World, Oxford, 2002, ss. 7-2.

<sup>5</sup> J.L.Grabill. Missioners amid Conflict: Their Influence upon American Relations mitch the New East. 1914-1927. Ann Arbar. 1965 s. I. 76 k. shillington. History of Africa. London, 1995, ss. 292 vd.

<sup>6</sup> Grabill. Missioners amid Conflict, s. 2.

<sup>7</sup> G.Pfander. The Miranul Hagg: or Balance of Truth. tr. RH.weakley, London, 867.

<sup>8</sup> A.Powel. Maulana Rahmat Allah Kairanawi and Muslim Christian Contro wersiy in intia in the Middle – 19th Century, Journal of the Royal Asiatie Socitty I. 1976, ss.42-63.

<sup>9</sup> Twaddle. Christian Missions and Third World States. s. 12.

Эркин МАЛИК

## Памилдори

Ҳожи отанинг куёви деҳқончилик билан шуғулланарди. Бир куни қиш чилласида ўғилчаси билан памилдори кўтариб келди.

— Парникдан, — деди шавқланиб, — тўрт дона қизарибди, олдини сизларга олиб келдим, ойим билан еб, дуо қилинглр.



Ҳожи ота куёвининг деҳқончилигига Аллоҳдан барака сўраб дуо қилди. Кейин тўрт дона памилдоридан иккита каттасини четга ажратиб, кампирига деди:

— Шунинг сувқоғозга соб қўйсинлар, қўшни ўртоғимнинг сал тоби қочиб турибди, янгилик, зора оғзига ёқса...

— Дола, — деди ҳалидан бери жим ўтирган набира тилга кириб.

— Лаббай, тойчоғим.

— Памилдорининг катталари яхшиси-ку, бувим билан ўзиз-ла емайсизларми?

Ота набиранинг меҳрибонлигидан хурсанд бўлиб, хо-холаб кулди:

— Унақа қила олмаймиз-да, болам, — деди.

Набираси ҳайрон бўлди:

— Нега унақа қилолмайсиз?

— Зийрак боламдан ўргилай, — деди бобо янаям хурсанд бўлиб, — у қулоғинг билан ҳам, бу қулоғинг билан ҳам эшитиб ол бўлмаса. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Сизлардан би-

рортангиз то ўзи яхши кўрган нарсани биродарига ҳам раво кўрмагунича комил мўмин бўла олмайди”, деганлар. Сен, болам, тўғри айтдинг, ҳамиша меванинг каттаси ширин бўлади. Лекин биз яхшисини ўзимиз еб, ёмонини бошқаларга берсак, унда ёмон одам бўб қоламиз. Ҳа, бу яхши эмас. Ҳазрати Пайғамбаримиз шунга ишора қиляптилар.

— Бобожон, менам энди ўртоқларимга энг яхши кўрган нарсаларимни бераман, бўпими?

— Бўпти, болам, бўпти. Илоҳо, ҳамиша ниятинг йўлдошинг бўлсин.

## Тўшак

Ажиб бир воқеага дуч келиб, болалагимни эслаб кетдим. Тўй-маъракаларда кўпнинг хизматига яраб қолган пайтларимиз эди. Узига тўқ хонадондан бир киши оламдан ўтиб қолди. Қиш, ҳаво совуқ. Таъзияга келувчилар учун эшик тагига тўнка ёқиб қўйишган. Таъзия ўтгач, хонадон эгаси биз тўрт ўртоқни чақириб, қўлимизга бир кўрпа билан бир тўшак бериб, домланикига элтиб беришни буюрди. Домланинг уйи қишлоқ чеккасидаги бир кўрфонда эди. Ёлғизоёқ йўлда туртиниби-суртиниби кетиб боряпмиз. Дам ўтмай қўлимиз совқотади. Юкни малол олиб, бир-биримизга оширамиз. Домланинг уйига етибोक, исиниб олишни ўйлаймиз.

— Домлага мазайкан-да, — дейди ўртоқларимдан бири елкасидаги юкка ишора қилиб.

— Домлага кўрпа-тўшак берса, ўлган одамнинг гўри юмшоқ бўларкан, — дейман мен.

— Шунча кўрпа-тўшакни нима қиларкан? — дейди яна бири.

Шунақа гап-сўзлар билан манзилга етиб келганимизни ҳам билмай қолдик. Домланинг

салобати босиб, исиниб олиш ҳам эсдан чиқди. Ортимизга қайтмоқчи бўлдик. Аммо домла қўймай бизни ичкари олиб кирди. Темир печка гуриллаб ёниб турарди. Юзимизга иссиқ ҳаво урилди. Яйраб кетдик. Уй тўрига хонтахта қўйилган. Усти тўла туршак, қоқи. Домланинг катта-кичик болалари хоннинг ён томонидан жой кўрсатишди. Битта кўрпачага зўрға тиқилишиб, ўтирдик. Сурилайлик десак, пойгада кўрпача йўқ, бўйраси кўриниб турибди. Домла Куръон ўқиб, марҳум руҳига бағишлади. Рўпарамизда ўтирган болалар ҳам дуога қўл очишди. Кейин домла бизни қоқи ейишга қистади. Жон деб рози бўлдик. Охири кетмоқчи бўлиб, домлага қарадик. Маза қилиб исиниб ҳам олган эдик. Домла чўнтақларимизга қоқидан солиб олишни буюрди. Бу ишнику катта иштиёқ билан қойиллатиб бажардик.

— Сизларга битта юмуш бор эди, — деди домла сал хижолат бўлиб.

— Айтовринг, — дебмиз тўртталамиз ҳам бараварига.

— Энди бу кўрпа билан тўшакни Каримбой отаникига элтиб берсаларинг...

Мен “ялт” этиб бўйраси чиқиб турган пойгакка, кейин тахмонларга қарадим. Тахмонлар бўм-бўш... Келаётганимизда «Домлага мазайкан-да», деган ўртоғим ҳам мен тушган ҳолатда экан, кўзларимиз беихтиёр тўқнашди.

— Шундай қилсаларинг, савобга шерик бўласизлар, — деди домла.

Олиб борган юкимизни кўтариб, яна орқага қайтдик. Энг қизиғи, Каримбой чол ўлик чиққан хонадонга кўшни эди. Шунча жойга кўтариб борган нарсамизни яна қайтариб келдик ҳисоби.

Мен, ўша пайтларда шунақа қилишар экан-да, деб бу воқеани эсимдан чиқариб ҳам юборган эдим. Аммо домла ўшанда урушдан кейинги оғир йиллар



бўлишига қарамай, бир ҳадиси шарифга амал қилган эканлар: “Эркакка бир тўшак, аёлига бир тўшак. Учинчиси меҳмонга. Тўртинчиси шайтонга!”

Ихтиёрсиз равишда ўзимизнинг таҳмонга қарадим. Менинг меҳмонимми бу қадар кўп ё шайтонимми?!

## Қайсар бола

Қайсар бола ош еб ўтирарди. Ойиси устухонларни ҳамиша лаганнинг ўртасига уйиб, кейин устига ош сузардилар. Устухон охирида ейилар, унгача ошни иссиқ тутиб турар эди. Катта аканинг олдидан устухон чиқиб қолди. Одоб билан уни дадасининг олдига сурди.

— Суякни мен ейман, — деди қайсар бола устухонга кўзи тушиб.

— Сен тозалай олмайсан, ўзим сенга пичоқда гўштини олиб берман, — деди дадаси.

— Йўқ, ўзим пичоқда ейман.

— Қўлингни кесиб оласан.

— Кесмайман, — деб тихирлик қилди қайса бола.

— Берақолинг, дадаси, ошни заҳар қилмасин, — деди ойиси.

— Ма, ол, ҳе қайсар, — деб дадаси унга устухонни берди, аммо пичоқни бермади.

Қайсар бола дастурхонга фотиҳа ўқилганида ҳам устухонни зўр бериб ғажиб ўтирарди. Унга пичоқни беришмагани алам қиларди. Охири ғажишдан зерикиб, устухонни дуч келган томонга қараб отди. Қайсарлиги тутиб, қўл-бетини ювмади. Шу кўйи ухлаб қолди.

Кечаси сичқон инидан чиқди. Уй ичида искаланиб юриб, қайсар боланинг қўлини топиб олди. Ялади, юлқади. Нафси қонмагач, тишини ботирди. Қайсар бола дод деб жон аччиғида бармоғини оғзига олиб борди. Сичқон касалланган эди. Қайсар бола сариққа чалинди. Хасталик акаларига ҳам юқди. Уларни даволаш учун жуда кўп пул кетди.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким қўлидаги таом юқи билан, уни ювмасдан ухлаб қолса-ю, унга бирон мусибат етса, ўзидан бошқани маломат қилмасин!” деганларида қанчалар ҳақ эдилар.

## Урушда қатнашганман

Уруш хотиралари ҳеч эсимдан чиқмайди. Ўша йиллари кечган аччиқ бир воқеани кўп эслайман. Душманга кучли зарба бердик. Галаба арафасида турган эдик, душман кўққисдан ҳаводан хужум қилди. Бир зумда ҳаммаёқ остин-устин бўлди. Майдонда инсон тана аъзолари сочилиб ётарди. Тирик қолганларнинг ҳам кўпи қайсидир аъзосини йўқотган. Менинг ҳам

ди. Охири тоқатим тоқ бўлиб, уй эгасининг ўринсиз қилиқларига қарши бир-икки гапирдим. Мана шу “исён”им бошимга бало бўлди. Бақир-чақир билан мени атрофга ёмонотлик қилди. Ҳатто кеч бўлишига қарамай, уйдан ҳайдаб солди. Алламаҳалда эрим, қизим билан қаёққа боришни билмай, кўчаларни кезамиз. Бировдан ёрдам сўрасанг, ишонқирамай, ўзини

## НЕГА ШУКР ҚИЛМАЙЛИК?

чап қўл бармоқларим йўқ эди. Тирик қолганлар саноқли эдик. Қасос ўтида ёнган кўйи бир парча ерга ўнлаб йигитларни кафансиз, жанозасиз кўмиб, ортага чекиндик. Тинчлик, озодлик деб йигитларимиз узок ўлкаларда шундай ўлим топишди. Шундай экан, биз бу кунларимизга нега шукр қилмайлик?

НЕЪМАТ ота,  
Сурдарё

## Ўтмишимни эслатади...

Бегона юртларда яшаб кўрмай, мусофирнинг ҳолини билмайсиз. Шаҳарга кўчиб келгач, бир аёлнинг уйини ижарага олдик. Шартларига кўниб, истаган пулини берардик. Аммо ҳадеб ундан-бундан айб топиб, пул ундираварди. Қариндош-уруғ ортимиздан излаб келса, ўша куни тўпалон бўлар-

олиб қочади ёки билмаганга солиб, индамай кетади. Биласизми, ўшанда уйларнинг кираверишидаги пана жойда, зинада ўтириб, тунни ўтказдик. Тонг оқара бошлаганида биров кўриб қолишидан ҳадиксираб, яна кўчага чиқиб, анча юрдик. Сўнг узокроқ бир танишимни сўраб-суриштириб топдик. Жой сўрадик. Иккита уйининг бирига ижарачи кўяр экан. Биз то уй олгунимизча уникида яшадик.

Ҳозир бизнинг ҳам иккита уйимиз бор. Буни мақтаниш учун айтмаяпман. Бирига ижарачи кўяман. Ҳар доим ижара ҳақини олгани борганида уларнинг кўзига боқаман. Хижолатли, жавдираб боқишлари менга ўтмишимни эслатади...

МОҲИДИЛ опа,  
Қашқадарё



# ОЛИЙ ХИСЛАТ

Бағрикенглик олий хислат ва улуғ неъматдир. Инсоннинг мазмунли яшаб, яхши орзумидларга эришувида тинчлик ва хотиржамлик алоҳида ўрин тутади. Тинч-тотувлик ва осойишталикни таъминлашда эса инсонлардаги бағрикенглик хусусияти муҳим омилдир. Бағрикенглик бор жойда турли фитна-офатлар ва зиддиятлар келиб чиқмайди. Бунга исбот қидириб узоққа боришнинг ҳожати йўқ.

Халқимиз қадим-қадимдан бағрикенглиги билан бошқаларга ибрат бўлиб келган. Бунга кўплаб тарихий маълумотлар гувоҳлик беради. Заминимизда миллий ва диний асосда адоват, зиддият содир бўлгани, қон тўкилгани ҳеч кузатилмаган. Юртимизда яшаган турли дин ва элат вакиллари ўртасида тотувлик ва бағрикенглик ҳукмрон бўлган. Ислом дини кириб келгач эса, эзгулик, тинчлик ва инсонпарварлик гоялари юртимизда янада чуқур илдиз отган. Бағрикенглик янада

мустаҳкамланган ва ўзининг олий нуқтасига етган. Мазкур тарихий анъанани сақлаш бурчимиздир.

Гўзал юртимиз Ўзбекистон бугун бир юз қирққа яқин миллат ва элат, ўн олти конфессия (дин, диний йўналиш) вакиллари бағрига олган буюк мамлакатдир. Динлараро бағрикенглик ҳар хил эътиқодга эга кишиларнинг бир замин, бир Ватанда олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор, ҳамжиҳат бўлиб яшагани англатади.

Аммо, шуни алоҳида таъкидлаш лозим, халқимизнинг бағрикенглигини суъиистемол қилиб, бирор миллат ёки конфессия вакилларининг ножўя хатти-ҳаракат содир этиши, ўз миллий ёки диний қарашларини бошқаларга мажбуран сингдиришга уриши мавжуд бағрикенгликка путур етказиш, аҳоли тинчлиги ва осойишталигига раҳна солиш деб баҳоланиши зарур.

Бугун ватанимизда ҳукм сураётган бағрикенглик нафақат минтақада, балки бутун дунёда намунали ва ибратли эканини фахр билан таъкидлаймиз. Ватанимиздаги тарихий бағрикенглик анъанасини сақлаб қолиш, келгуси авлодларга етказиш бахтли келажак йўлидаги хизматимиз, ҳиссамиз бўлади.

Чунки бугунги глобаллашув жараёнида мамлакатлар ҳаёти бир-бирига тобора қаттиқроқ боғланиб борапти. Шу сабабли тинчлик, осойишталик ва қадриятларга дарз соладиган ҳолатлар ҳам юз бериши мумкин. Шундай экан, маънавий бойлик ва қадриятларимизни сақлаб қолиш, юксалтиришда дахлдорлик

ҳиссини қалбимизга тугишимиз, уни амалда кўрсатишга интилишимиз лозим.

Бугун юртимизда бозор муносабатлари жадал ривож топиб борапти. Бундай муносабатлар ижтимоий ҳаётда ўзига хос эврилишлар, манфаатлар йўлида рақобат ва курашлар, тортишув ва баҳсларни келтириб чиқариши табиий. Бозор муносабатлари ўз номи билан бозорга хос муносабатлардир. Улар инсонлардаги эзгу сифат ва хислатлар камайишига, жамиятда худбинлик жиҳатларининг пайдо бўлиши ва кучайишига олиб келиши мумкин.

Шунинг учун халқимизга хос хислат – бағрикенгликни асраб авайлаш ва янада мустаҳкамлаш барчамизнинг бурчимиздир. Бу ўринда, аввало, ёшларимизни шу руҳда тарбиялашимиз, улар қалбида бағрикенглик хислатининг чуқур ўрнашувига эришимиз, юрт тинчлиги ва халқ ҳамжиҳатлигини энг катта бойлик деб қарашга ўргатишимиз лозим бўлади. Зеро, келажак ёшларники, мамлакат тақдири, бугун сизу биз амалга ошираётган бунёдкорлик ва эзгу ишлар самараси уларга боғлиқдир. Демак, ёшларимизда бағрикенглик маданиятини қарор топтириш ва юксалтириш бугуннинг муҳим талабларидандир. Ҳадиси шарифда айтилганидек, “имоннинг афзали сабр ва бағрикенгликдир”. Яна бир ҳадисда: “Аллоҳга имон келтиришдан кейин амалларнинг афзали одамлар билан дўстлашишдир”, деб келади.

Яратгандан юртимиз тинч-осойишта, халқимиз аҳил-тотув, бағрикенглигимиз мустаҳкам бўлишини сўраймиз.

**Акбар БОБОБЕКОВ,**  
Тошкент Давлат юридик  
институтининг магистранти



# ИСЛОМИЙ БАҒРИКЕНГЛИК МАНЗАРАЛАРИ



Ақида ва имон қалбга тегишли масала бўлиб, буларни хоҳламаган кишига мажбурлаб сингдириш динимизнинг асл ғоясига зиддир. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) мусулмонлар билан бирга шартнома асосида яшаётган бошқа дин вакилларига гўзал муомала қилар эдилар. Уларга ҳадялар берар, ҳадяларини қабул этар эдилар.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда бир яҳудий аёл таом пишириб, Пайғамбаримизни меҳмонга чақирганида, уникига борганлари келтирилади. Миср шоҳи Муқавқис Пайғамбаримизга ҳадя жўнатади. Расулуллоҳ (алайҳиссалом) ҳадяни қабул қиладилар. Ваҳоланки, шоҳ мусулмон эмас эди. Нажронлик насоролар гуруҳи Мадинаи мунавварага келган вақтда Пайғамбаримиз уларни ўз масжидларига туширдилар ва шу жойда ибодатларини адо этишга рухсат бердилар.

Мусулмонлар билан яшаётган бошқа дин вакиллари “зиммийлар” деб номланди. Бу дегани, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мусулмонлар зиммасида, деганидир. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Ким зиммийлардан бир кишини ўлдирса, жаннатнинг ҳидини ҳам ҳидламайди. Албатта, унинг ҳиди етмиш йиллик масофадан келиб туради” деганлар (*Имом Насай ривояти*).

Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Ким бир аҳдлашган (ғайридин) кишига зулм қилса ёки унинг ҳаққини поймол этса ёхуд тоқати етмайдиган ишни қилишга мажбурласа ва ёки унинг розилигисиз нарсасини олса, қиёмат кунини мен ўша одамнинг хусуматчиси бўламан”, деб марҳамат қилганлар.

Мусулмонлар билан яшаётган ўзга дин вакиллари бундан ҳам ортиқ кафолат бўлиши мумкинми? Тарихдан мисоллар келтирамиз:

Ҳазрати Али (розийаллоху анху) йўқолган совутларини бир зиммийнинг кўлида кўриб, қайтариб беришини сўрадилар. Зиммий совут ўзиники эканини даъво қилди. Хоҳласа, мусулмонлар қозисига бирга боришини айтди. Ўша даврдаги қози Шурайҳ ҳолатни ўрганиб чиқди ва Ҳазрати Алидан совут уники эканини исботловчи гувоҳ келтиришни талаб қилди. У киши икки ўғиллари — Ҳасан ва Ҳусайнни чақирдилар. Қози Шурайҳ: “Отанинг фойдасига ўғиллар гувоҳлик бериши

мумкин эмас, бошқа гувоҳ келтиринг”, деди. Ҳазрати Али: “Аллоҳдан бошқа гувоҳим йўқ”, дедилар. Қози Шурайҳ шунда масалани зиммий фойдасига ҳал қилди ва совутни унга берди.

Исломда бир давлатни тортиб олиш йўқ, мустамлака қилиш ҳам йўқ, балки фатҳ бор. Фатҳнинг умумий маъноси ўша мамлакат аҳолисининг ҳуқуқларини ўзларига танитиб, уларга ҳақиқат йўлини очиб қўйишдир. Қуддус шаҳри фатҳ қилинганда насоро роҳиблари Ҳазрати Умар билан учрашишни талаб қилишди. Умар (розийаллоху анху) борганларида улар баъзи ҳақ-ҳуқуқларини сўрамоқчи бўлишди. Ҳазрати Умар (розийаллоху анху) ҳақ-ҳуқуқлар борасида Ислом таълимотига қўра шундай эркинликлар бердики, ҳатто бош роҳиб хурсанд бўлганидан Қуддуснинг тарихий жойларини Ҳазрати Умарга ўзи кўрсатди.

Ўша ернинг бош канисаларидан бирига кирганларида аср вақти бўлиб қолди. Умарнинг намоз ўқимоқчилигини тушунган роҳиб: “Шу ерда ўқий қолинг?” деди. Ҳазрати Умар: “Агар бу ерда намоз ўқисам, мендан кейин келадиган мусулмонлар Умар шу ерда намоз ўқиган, биз ҳам ўқиймиз, деб сизларнинг ибодатларингизга ҳалақит қилади”, дедилар ва ташқарига чиқиб, ҳовлида аср намозини ўқидилар. Намозни тугатгач, роҳибдан ёзишга бир нарса сўраб олиб, унга: “Умар фалон санада шу ерда аср намозини ўқиди. Бундан сўнг бирорта мусулмонга бу ерда намоз ўқиш дуруст эмас”, деб ёздилар. Муҳрларини кўйиб, уни роҳибга бердилар ва: “Буни асраб кўй”, дедилар (*Афиф Абдулфаттоҳ Тобборанинг “Исломи дини руҳи” китобидан*).

Мисрда бир масжид қурилди. Бунинг натижасида бир насроний кампирнинг уйи бузилди. Кампир Мадинага келиб, Умар ибн Хаттобга Миср волийи Амр ибн Осс (розийаллоху анху) устидан шикоят қилди. Ҳазрати Умар (розийаллоху анху) суриштирса, аёлга ҳовлиси нархидан кўпроқ пул берилган экан. Шундай бўлса-да, кампирнинг уйини қайтаришга, янги қурилган катта масжидни бузиб ташлашга амр қилди...

Бу каби мисолларни нафақат мусулмонлар, балки бошқа динларнинг инсофли тарих олимлари ҳам ҳавас билан эътироф қилишади. Америкалик



машхур олим, Нью Йорк дорилфунуни профессори Мистер Драбер ўзининг “Илм ва дин ўрта-сидаги тортишув” номли китобида бундай ёзади: “Халифалар даврида мусулмонлар насроний ва яҳудий олимларини ҳурмат қилиш билан кифояланмай, балки уларни давлат мансабларигача кўтаришган, ҳатто Ҳорун ар-Рашид барча мадрасаларни текшириб туришни Ҳално ибн Мосавайх исми файридин олимга топширган. Олимнинг яшаган юртига, унинг динига эмас, балки илм ва маърифатда тутган ўрнига қаралар эди... Мусулмонларнинг дорилфунунлари оврупалик илм толиблари учун доимо очиқ эди. Оврупалик подшоҳлар мусулмонлар диёрига даволаниш учун боришар эди”.

Мусулмонлар кириб борган мамлакатларида туб аҳолига диний бағрикенгликнинг олий тим-солини кўрсатишди. Миср, Сурия, Эрон, Ўрдун каби давлатларда мусулмонлар ўн тўрт асрдан кўпроқ ҳукм юритишса-да, лекин туб аҳолидан мусулмон бўлишни хоҳламаганлар ҳозиргача ўз динида қолиб, ибодатларини давом эттирмоқда. Ливан ва Ҳиндистон каби юртлар узоқ вақт мусулмонлар ҳукми остида бўлишига қарамай, аҳолининг кўп қисмини бошқа дин вакиллари ташкил қилгани Исломнинг ўзга динларга нисбатан бағрикенглигига ёрқин далилдир. Мисрга борган саёҳатчилар минг йиллардан бери черков билан масжид ёнма-ён турганини, улар орасида ҳеч қандай муаммо юзага келмаганини кўради.

Яқин Шарқ тарихи бўйича йирик мутахассис, ўзи масихий динининг роҳибларидан бўлган ва дунёдаги уч илоҳий дин тарихини етарлича талқин қилган Карен Армстронг “Муқаддас уруш” (“Holy way”) номли китобида инсоф билан қуйидагиларни тан олади: “Ислом дини муҳолиф томонни йўқотишга қаратилган босқинчилик урушларини тақиклайди. Исломда имкон қадар бошқа динлар билан алоқалар сулҳ асосида олиб борилади. Мусулмонлар ўзларига қарши уруш эълон қилинганда ҳам қатъий чегараларга амал қилишади. Улар диний хизматчиларни, роҳиб ва роҳибаларни ўлдиришмайди. Урушда қатнашмаётган ожиз одамлар, аёллар, ёш болалар ва кексаларни нишонга олишмайди. Черков ва синагоглар, тинч аҳолининг уй-жойлари ва бошқа биноларни вайрон қилишмайди”.

Хулоса қилиб айтсак, Исломда зўравонлик, ноҳақ қон тўкиш ва мутаассиблик гуноҳ ҳисобланади. Бағрикенглик, тинчлик ва холислик илоҳий амр ўлароқ қабул қилинади. Бу вазифани илоҳий амр деб қабул қилган дастлабки мусулмонлар бутун дунёга ажойиб намуна кўрсатишган. Буни тушунмаган ёки тушунишни истамаган баъзи ғаразгўйларгина бу борада ҳамон Исломни айбсотишга ҳаракат қилмоқчи бўлишади.

**Аброр АБДУАЗИМОВ,**  
Тошкент Ислом институти талабаси

## ҚОРИЛАР МУСОБАҚАСИ

2008 йил 7 май чоршанба куни Тошкент Ислом институти Таҳфизул Куръон кафедраси жойлашган “Ўрикзор” даҳасида, Абу Ҳанифа масжидида анъанавий қорилар кўриктанловининг якуний босқичи ўтказилди.

Кўрик-танловни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов кириш сўзи билан очди.

Мусобақа икки йўналишда – мураттаб ва мужаввид қорилар йўналишида ўтказилди.

Мусобақада Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги масжидлар хизматчилари ҳамда таълим муассасалари талабаларидан жами 44 нафар мураттаб ва мужаввид қори ва қориялар иштирок этди.

Мураттаб қорилар танловида:

1-ўринни Саййид Муҳйиддин Маҳдум билим юрти талабаси Адбулбосит Қобилов, 2-ўринни Наманган шаҳридаги “Боқи Полвон” жомеъ масжиди имом ноиби Иброҳим Бобохонов, 3-ўринни Тошкент Ислом институти талабаси Зафар Маҳмудов эгаллашди.

Мужаввид қорилар мусобақасида:

1-ўрин “Кўкалдош” билим юрти талабаси Ёсинхон Бурхоновга, 2-ўрин Тошкент Ислом институти талабаси Зокир Юнусовга, 3-ўрин Тошкент Ислом институти талабаси Аброр Абдуазимовга насиб этди.

Мураттаб қориялар танловида:

1-ўринга Ҳадичаи Кубро билим юрти талабаси Зебо Муҳаммадхўжаева, 2-ўринга Ҳадичаи Кубро билим юрти талабаси Зулфия Одилова, 3-ўринга Ҳадичаи Кубро билим юрти талабаси Марям Нуруллоҳ қизи муносиб кўрилди.

Мужаввид қориялар танловида:

1-ўринни Тошкент Ислом институти талабаси Ҳафиза Зоирова, 2-ўринни Ҳадичаи Кубро билим юрти талабаси Гулчеҳра Лутфуллаева, 3-ўринни Тошкент Ислом институти талабаси Ирода Нурмухамедова эгаллашди.

Ғолибларга Ўзбекистон мусулмонлари идораси махсус жамғармаси, “Хидоят” журнали ва “Ислом нури” газетасининг қимматбаҳо мукофотлари, эсдалик совғалари топширилди.

**Жалолиддин НУРИДИНОВ,**  
таълим ва кадрлар тайёрлаш бўлими мудири